

Абдулҳаким қори Комилжон ўғли

НАМОЗ

ИБОДАТИ АРКОНЛАРИ

Самарқанд

«Имом Бухорий халқаро маркази» нашриёти

2018

УЎК 28-534.3
КБК 86.38
А 15

Абдулҳаким қори Комилжон ўғли

Намоз ибодати арконлари / Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази» нашриёти, 2018. – 76 + 12 вкл. б.

Ҳанафий мазҳаби асосида тасниф этилган ушбу китобда намоз ибодатининг арконлари ўзига хос содда ва равон услубда баён этилган. Шунингдек, кундалик зикрлар, хос дуолар ва бошқа зарурий маълумотлар ҳам келтирилган. Ўйлаймизки, ушбу тўплам мухтарам ўқувчиларимизга ҳам манзур бўлади.

УЎК 28-534.3
КБК 86.38

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги
Дин Ишлари бўйича қўмитанинг 2939-рақамли тавсияси ила чоп этилди.*



МУҚАДДИМА

Барча оламларни яратган, башариятга поклик ва гўзаллик дини бўлган Ислом неъматини инъом қилган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Ушбу илоҳий шариатни умматларига тўлиқ етказган саййидимиз Мухаммад алайҳиссаломга салавот ва саломлар бўлсин!

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда Ислом дини ва илмий-маънавий меросларимизни ўрганишга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Узоқ вақт давом этган тазйиқ ва таъқиблардан сўнг миллий-диний қадриятларимиз қайта тикланиб, илгари тасаввур этиш қийин бўлган том маънодаги тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Юзлаб диний тарихий ёдгорликлар, меъморий обида ва мажмуалар қайта таъмирланди, обод қилинди. Келажак авлод тарбиясига давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири деб қаралди. Бундан кўзланган асосий мақсад – озод ва обод Ватанда соғлом авлодни Ватанга муҳаббат, маънавий-ахлоқий баркамоллик руҳида тарбиялашдир.

Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, юртимизда муқаддас динимизни ўрганишга бўлган қизиқишлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Ислом динини ўрганмоқчи бўлган, диний билимларга қизиққан ёшлар юртимиз уламоларининг асарларидан фойдаланган ҳолда зарур диний эҳтиёжларини қондириб келмоқдалар. Жумладан, ибодатларнинг энг улуғи саналган намоз ибодатининг арконларини ўрганиш, уни шариат талабларига мувофиқ адо этишга эътибор қаратмоқдалар. Бу борада кўпгина кичик ҳажмли, расмли қўлланмалар ва нашрлар чоп этилган бўлса-да, бу каби китобларга эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

Қўлингиздаги ушбу китобнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда поклик – таҳорат, намоз ўқиш тартиб ва қоидалари, илк зарурий маълумотлар Ҳанафий мазҳаби асосида берилган бўлиб, керакли ўринларда қўшимча шарҳлар билан ҳам тўлдирилган. Шу билан бирга Қуръони каримни ўқишни билмайдиган кишилар учун сураларнинг арабча матнига қўшимча қилиб, транскрипцияси ҳам берилди. Сура ва дуолардаги мад (чўзиш)ларни билдириш учун ўқувчини чалғитмаслик мақсадида ҳарфлар устига турли белгилар қўймасдан, балки, ўша товуш иккита ҳарф билан ифодаланди. Шунга кўра, қаерда иккита унли ҳарф (“аа”, “ии”, “оо” ёки “уу”) келса, ўша ҳарфни икки ҳаракат – бир алиф микдорида чўзиб ўқиш керак бўлади. Тагига чизик қўйилган “с” ва “з” ҳарфлари эса “ث” ва “ذ” ҳарфларини билдиради.

Поклик – таҳорат, намоз ва илк зарурий масалаларни ўз ичига олган ушбу китобни тақдим этар эканмиз, унинг манфаатли бўлишини Аллоҳ таолодан сўраймиз.

Камоли эҳтиром ила,

Абдулҳаким қори Комилжон ўғли

ТАҲОРАТНИНГ ҲУКМЛАРИ

“Таҳорат” – луғатда “поклик”, “тозалик”, “озодалик” деган маъноларни билдиради. Поклик – инсон табиатан рағбат қиладиган гўзал сифатларнинг биридир. Шаръий истилоҳда эса – намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш ва бошқа ибодатлар олдидан муайян аъзоларни сув билан ювиб тозалашга айтилади.

Ислом дини инсонларни покликка қаттиқ тарғиб қилиб, ўзларини пок тутувчиларни мақтайди. Аллоҳ таоло покликнинг фазилати ҳақида Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

“Албатта, Аллоҳ (билмай йўл қўйган хатолардан) тавба қилувчиларни ва обдон покланиб юрувчиларни севади”. (Бақара сураси, 222-оят).

Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

*“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким таҳорат олсаю таҳоратини чиройлик қилса, унинг хатолари жасадидан, ҳаттоки, тирноқлари орасидан ҳам чиқиб кетади”**, дедилар”.* (Муслим ривояти).

Таҳорат икки қисмга бўлинади:

1. Баданни ҳадасдан (бетаҳоратликдан) поклаш. Бу махсус аъзоларни ёки бутун баданни ювиш (ғусл қилиш) билан бўлади. Сув топилмай қолган вақтда ёки истеъмолидан ожиз бўлганда ғусл ва таҳорат ўрнига таяммум қилинади.

2. Кийим, бадан ва жойдаги нопок нарсани кетказиш.

Таҳорат қилиш баъзи ҳолатларда фарз, баъзи ҳолатларда вожиб, баъзи ҳолатларда эса мандуб бўлади.

Намоз ўқиш, тиловат саждаси қилиш ёки Қуръони каримни ушлаш учун таҳорат қилиш фарз.

Каъбаи Муаззамани тавоф қилиш учун таҳорат қилиш вожиб.

Шаръий илмлардан дарс қилиш, ҳадис ўқиш, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қилиш, Арафот тоғида туриш, Сафо ва Марвани саъй қилиш ва ҳар бир намоз учун алоҳида қилинган таҳоратлар мустаҳаб ҳисобланади.

ҲОЖАТХОНА ОДОБЛАРИ

Ҳожатхонага кираётганда қуйидаги одобларга амал қилинади:

1. Ҳожатхонага киришдан олдин: **“Бисмиллаах, Аллооҳумма иннии аъузуу бика минал-хубси вал-хобааис”**, дейиш.

Мусулмон киши ҳожатхонага киришдан аввал “Бисмиллаах”, деса, унинг авратини жинлардан тўсадиган парда ҳосил бўлади.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“Пайғамбар алайҳиссалом қачон ҳожатхонага кирсалар: **“Аллоохумма инний аъузу бика минал-хубси вал-хобаис”**, деб айтар эдилар”*.

Маъноси: *“Аллоҳим! Сендан эркак ва ургочи ифлос (шайтон)лар ёмонлигидан паноҳ тилайман”*.

2. Ҳожатхонага чап оёқ билан кириб, ўнг оёқ билан чиқиш.

3. Чиққандан сўнг қуйидаги дуони ўқиш: **“Ғуфроонака”** – *“Ғуноҳларимни кечир”*.

4. Ҳожатни ўтирган ҳолда бажариш (узрли кишилар бундан мустасно).

5. Чап қўл билан истинжо қилиш. Қиблага юзланиб ёки орқа қилиб ўтириш, куёш ёки ойга юзланиб ўтириш, қабр устига, оқар сувга, сув оқиб келадиган ерларга, инсонлар кўзи тушадиган, ўтадиган, салқинлаб ўтирадиган жойларга, тешиқларга қазои ҳожат қилиш макруҳи таҳримийдир. Шунингдек, ҳожат вақтида гапириш, Аллоҳни зикр қилиш ҳам макруҳ.

Изоҳ. **“Истинжо”** – нажосат чиққан жойлардаги нажосатни сув билан тозалаш, **“истижмор”** эса тош, кесак ёки махсус қоғоз билан тозалашдир. Бу эркак ва аёллар учун суннати муаккада ҳисобланади. Лекин нажосат махраж (нажосат чиқадиган жой)га дирҳам миқдоридан кўпроқ ёйилган бўлса, кесак ёки қоғоз билан тозалашнинг ўзи кифоя қилмайди, балки сув билан ювиш вожиб бўлади. (1 дирҳам – 3.125 грамм оғирликка тенг).

6. Аввал олд аврат, сўнг орқа аврат ювилади.

Мусулмон кишининг сабабсиз тик турган ҳолатида пешоб қилиши одобга зид бўлиб, пешобнинг кийимига сачрашига ёки қолиб кетган пешоб томчиларининг кийимига томишига сабаб бўлади. Пешобидан сақланмаган кишининг қабрда азобланиши ҳадисларда зикр қилинган.

Шунингдек, эркак киши пешоб йўлларида қолган пешоб томчисини қоғоз, кесак ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар билан чиқариб, кейинроқ кийимига томишининг олдини олиши керак. Бунинг учун пешоб йўллари уч марта сиқиб тозаланади. Пешоб кам-камдан тўхтамай келиб турса, ҳолатга қараб, ишонч ҳосил қилгунича сиқиб тозаланади. Бу амал араб тилида **“истибро”** дейилади. Истиброни мукаммал бажариш покликка ва амаллар қабул бўлишига асос бўлади.

Изоҳ. Суяк, тезак, кўмир, шиша, дарахт барглари ёки кул билан истинжо қилишдан қайтарилган. Имом Абу Довуд келтирган ривоятда жинларнинг вакиллари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: **“Эй Муҳаммад, умматингни суяк, тезак ва қийинди билан истинжо қилишдан қайтар. Аллоҳ уларни бизга ризқ қилди”**. деганлар

Аввалги уламоларимиз истинжо қилиш учун қоғоз ишлатиш макрух, деганлар. Чунки, ўша даврда қоғоз кам бўлиб, фақат ёзув ва шу каби муҳим нарсалар учун ишлатилган. Бугунги кунда ҳожатхона учун махсус чиқарилган қоғозлар билан истинжо қилишга рухсат берилган.

ТАҲОРАТ ОЛИШ ТАРТИБИ

(39 бетга қаранг)

Ҳожатхонадан чиққандан сўнг қўлни (совун ва замонавий тозалаш воситалари билан) яхшилаб ювилади. Чунки, нопок нарсаларнинг ҳиди қўлга ўтириб қолиши мумкин. Агар совун ёки тозалаш воситалари бўлмаса, суннатга мувофиқ қўлларни тупроққа ишқалаб ювиши керак бўлади.

Оғиз уч марта чайилади.

Бурунга уч марта сув тортилиб, чайилади.

Юз уч марта ювилади.

Икки қўл тирсаклари билан қўшиб уч марта ювилади.

Икки қўл ҳўлланиб, аввал бошга, кейин икки кулоққа, ундан кейин бўйинга масҳ тортилади.

Аввал ўнг оёқ, сўнггра чап оёқ тўпиқлари билан қўшиб, панжалар ораси билан яхшилаб ювилади. Агар маҳси таҳорат билан кийилган бўлса, қўл бармоқлари ҳўлланиб, ўнг оёққа ўнг қўл билан, чап оёққа чап қўл билан уч бармоқда улар устидан масҳ тортилади.

ТАҲОРАТНИНГ ФАРЗЛАРИ

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

“Эй, иймон келтирганлар! Намоз (ўқиш)га турар экансиз, албатта, юзларингизни, қўлларингизни тирсакларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни тўпиқларигача (ювинг)!”. (Моида сураси, 6-оят).

Таҳоратда қайси аъзоларни ювиш фарз эканлиги мазкур оятдан олинган. Жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари мазкур оят асосида таҳоратда тўртта фарз бор, дейдилар. Улар қуйидагилар:

1. Юзни бир марта ювиш.
2. Икки қўлни тирсаклари билан қўшиб бир марта ювиш.
3. Бошнинг тўртдан бирига бир марта масҳ тортиш.
4. Икки оёқни тўпиғи билан қўшиб бир марта ювиш.

Изоҳ. Ювиш деганда – сув тегиши лозим бўлган аъзоларга сув оқизиб, ишқалаб ювиш тушунилади. Юзнинг чегараси узунасига соч чиққан жойдан жағнинг остигача, кенглиги эса икки кулоқ юмшоғининг

Тирноққа суртилган лак, сув ўтказмайдиган бўёқлар кабилар кўчириб ташланмагунча таҳорат ва ғусл дуруст бўлмайди. Қўлга тақилган узук тор бўлса, остига сув етказиш учун уни жойидан қимирлатиш вожиб, агар узук кенг бўлса, қимирлатиш мустаҳаб.

“Масҳ” сўзи луғатда “силаш”, “теккизиш” деган маъноларни билдиради. Таҳоратдаги масҳ – қўлларни хўллаб бош, икки қулоқ, бўйин ва маҳсига масҳ тортишдир. Таяммумдаги масҳ эса юз ва қўллар тирсагигача тупроқ билан масҳ қилинишидир.

Ато розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда зарурат юзасидан таҳоратда саллани кўтариб, бошларининг олд қисмига сув билан масҳ тортганлар”*. (Байҳақий ривояти).

Ҳанафий уламолари ушбу ривоятни далил қилиб, бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш фарз, ундан камига масҳ тортиш масҳ ўрнига ўтмайди, дейдилар.

ТАҲОРАТНИНГ СУННАТЛАРИ

- Таҳорат қилишни ният қилиш.
- Таҳоратни **“Бисмиллааҳ...”** билан бошлаш.
- Таҳоратни бошлашдан аввал икки қўлни бўғинигача уч марта ювиш.
- Тишларни мисвок қилиш.
- Ўнг қўлга сув олиб, оғизни ғарғара қилиш.
- Ўнг қўлга сув олиб, уч марта бурунни чайқаш. Рўзадорнинг рўзаси очилиш эҳтимоли борлиги учун бурунга димоғ ачишгунча сув олиши ва оғизга сув олиб ғарғара қилиши макруҳ.
- Ҳар бир аъзони уч мартадан ювиш.
- Соқол қалин ва юзни беркитадиган даражада бўлса, ораларига панжа уриб ишқалаш. Бу амал юзни уч марта ювгандан сўнг бажарилади. Аммо соқол сийрак ва юзни беркитмайдиган бўлса, сувни соқолнинг остига етказиш вожиб бўлади.
- Қўл ва оёқ бармоқлари орасини яхшилаб ювиш – хилол қилиш.
- Бошнинг ҳаммасига бир марта масҳ тортиш.
- Бошга масҳ тортишда пешонадан бошлаш.
- Икки қулоққа бошга масҳ тортгандаги нам қўл билан масҳ тортиш.
- Ювиш талаб қилинган ўринларни сув билан ишқалаб ювиш.
- Таҳорат орасига бошқа иш аралаштирмасдан кетма-кет бажариш.
- Аъзоларни тартиб билан ювиш.
- Қўл ва оёқларни ўнг томонидан бошлаб ювиш.

Изоҳ. “Ният” сўзи луғатда “бирор нарсани қасд қилиш, кўзлаш”ни билдиради. Шаръий истилоҳда – Аллоҳ буюрган амални холис Унинг розилиги учун бажаришни дилдан қасд қилишга айтилади.

Бажариладиган ҳар бир амал унинг нияти билан эътиборга олинади. Яхши ният билан қилинган амаллар мукаммал бўлади.

Шунингдек, қўлтиқ ости тукларини олиш, қовуқ остидаги тукларни кириш ва тирноқларни қисқартириш ҳам муҳим вазифалардан бўлиб, энг кам муддати етти кун, энг кўпи қирқ кундан ошмаслиги керак бўлади.

Мўйловни қисқартириш ҳам саломатлик учун фойдали бўлиб, турли зарарли моддалар унга ёпишиб, оғиз орқали ичкарига кириши ва зарар бериши мумкин бўлган ҳолатлар олди олинади.

ТАҲОРАТНИНГ МУСТАҲАБЛАРИ

1. Кийимига сув сачрамаслиги учун ердан юқорироқ жойга ўтириб таҳорат олиш.

2. Таҳорат пайтида қиблага юзланиш.

3. Таҳорат олиш пайтида бошқа кишидан ёрдам сўрамаслик, лекин ожизлиги ва касаллиги сабабли ёрдам сўраса, жоиз.

4. Гапирмаслик.

5. Бурунга ўнг қўл билан сув олиб, чап қўл билан қоқиш.

6. Ювилиши фарз бўлган аъзоларни яхшилаб ювиш.

7. Кенгроқ узукни таҳорат вақтида ҳаракатлантириб қўйиш. Аммо узук тор бўлса, унинг остига сув тегиши учун ҳаракатлантириш шарт.

8. Таҳоратдан сўнг шаҳодат калималарини ўқиш:

“Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳу ваҳдаҳуу лаа шариика лаҳ. Ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳуу ва росуулуҳ. Аллооҳуммаж-ъалний минат-тавваабиина ваъъалний минал-мутатоҳҳирийн”.

Маъноси: *“Гувоҳлик бераман, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У яккадир, Унинг шериги йўқ ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг бандаси ва элчисидир. Аллоҳим, мени тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қил”.* (Муслим ривояти).

ТАҲОРАТНИНГ МАКРУҲЛАРИ

1. Сувни исроф қилиш. *Уч марта ювиш суннат бўлган аъзоларни уч мартадан ортиқ ювиш.*

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Таҳоратда икки ратл сув етарлидир”, деганлар*”. (Термизий ривояти).

Изоҳ. 1 ратл – 449 грамм бўлиб, икки ратл 0.898 литр сувга тўғри келади.

2. Сувни ўта кам ишлатиш. Ҳатто ювиш лозим бўлган аъзоларга сувнинг оқиб бормаслиги ва у жойларни нам қўл билан ишқалаб, шу билан кифояланиш.

3. Сувни юзига қаттиқ уриш.
4. Рўздор кишининг бурнига ва оғзига сувни қаттиқ тортиши ва ғарғара қилиши.
5. Нажосатли жойларда таҳорат олиш.
6. Таҳорат асносида заруратсиз гаплашиш.

ТАҲОРАТНИ БУЗАДИГАН ҲОЛАТЛАР

1. Икки нажосат йўлидан пешоб, мазий, вадий, маний, нажосат, ел ва шунга ўхшаш нарсалар чиқиши.
2. Баданнинг бирор жойидан қон ёки йиринг чиқиб, тоза жойга ёйилиши. (Чикқан қон ёки йиринг шу жароҳат ўрнидан ёйилмаса, таҳорат бузилмайди).
3. Оғиз тўлдириб қайт қилиш.
4. Қон қайт қилиб, тупукдан қоннинг ранги ғолиб келиши.
5. Тиш қонаши.
6. Ёнбошлаб ёки бир нарсага суяниб ухлаганда, шу суянган нарсаси олиб қўйилса, йиқиладиган даражада бўлиши.
7. Ҳушдан кетиш, тутқаноқ тутиш, жинни бўлиш.
8. Намозда қаҳқаҳа отиб кулиш. (Ёнидаги киши эшитадиган даражадаги кулги қаҳқаҳа дейилади).

Изоҳ. Кўз ёши, буруннинг суви, бадандан чикқан тер, она сути таҳоратни бузмайди. Шунингдек, чивин ёки бурга қанча қон сўрса ҳам таҳорат бузилмайди.

Агар касаллик туфайли киндик, кўкрак, қулоқ ёки кўздан сув чикса, таҳорат бузилади. Кўз соққаси яллиғланиши сабабли кўздан ёш келганда ҳар бир намоз учун алоҳида таҳорат қилинади. Чунки, бунда кўздан йиринг ёки шу қабилар чиқиши мумкин.

УЗРЛИ КИШИНИНГ ТАҲОРАТИ

Кишининг сийдиги томиб, уни ушлаб туришнинг имкони бўлмаса, мазий чиқиб турса, яра ва бурундан тўхтамай қон оқиб турса, оғриқ билан қулоқ, кўкрак, киндик, кўздан қон ёки йиринг чиқиб турса, қорни оғриб, ичи кетаётган бўлса, доимий ел чиқиб туриши қабилар билан касалланган бўлса, аёлларда истиҳоза қони келиб турса ва шунга ўхшаш таҳоратни бузадиган ҳолатлар бўлса, шу узр бир вақт фарз намози давомида тўхтамаса, у киши узрли ҳисобланади. Аммо кишининг узри бир вақт фарз намози давомида тўхтаса, узрли ҳисобланмайди.

Узрли киши ҳар бир намознинг вақти учун алоҳида таҳорат қилади ва шу таҳорати билан ўша вақт ичида фарз ва хоҳлаганча нафл намозларни ўқиши мумкин. Ҳар бир намози учун алоҳида таҳорат қилиши шарт эмас.

Узрли киши янги таҳорат олиб, асрни ўқиса, кейин шом вақти кирса, асрнинг вақти чиққанлиги сабабли таҳорати бузилган ҳисобланади ва шом намози учун қайта таҳорат олади.

ТАҲОРАТСИЗ КИШИГА ҲАРОМ БЎЛГАН АМАЛЛАР

1. Намоз ўқиш.
2. Тиловат саждасини қилиш.
3. Байтуллоҳни тавоф қилиш.
4. Қуръони каримнинг ҳаммасини ёки баъзисини ушлаш. Аммо устида ундан ажраган ғилофи бўлса, ушлаш жоиз.

МАҲСИГА МАСҲ ТОРТИШ

Ислом енгиллик дини. Исломда инсонлар учун осонлаштирилган амаллардан бири таҳоратда оёқни ювиш ўрнига маҳси, кигизли этик, қўнжли ковуш каби оёқнинг тўпиғини беркитадиган, сув кирмайдиган ва уч кеча-кундузлик сафарда йиртилмайдиган ҳар қандай оёқ кийимига масҳ тортишдир. Аммо ғусл вожиб бўлган киши оёқ кийимини ечиб ғусл қилади.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

*“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мусофир (оёқ кийимига) уч кеча-кундуз масҳ тортади, муқим эса бир кеча-кундуз”, деб айтдилар**”.*

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтдилар: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан етмиш киши у зотнинг оёқ кийимларига масҳ тортганларини кўрганлари ҳақида ривоят қилганлар”.*

МАҲСИГА МАСҲ ТОРТИШ ШАРТЛАРИ

- Оёқнинг ошиқларини беркитган бўлиши.
 - Оёқнинг кичик бармоқларидан учтаси кўринадиган миқдорда йиртиқ бўлмаслиги.
 - Юрган вақтда оёқдан ечилиб кетадиган даражада бўлмаслиги.
 - Сув ўтмайдиган бўлиши.
 - Камида бир фарсах миқдоридаги йўл юриш билан йиртилиб кетмаслиги.
 - Маҳсини (тўла) таҳоратли ҳолда кийган бўлиши.
- Изоҳ.** Бир фарсах – 5760 метрга тенг.

МАСҲ ТОРТИШНИНГ ФАРЗИ

Икки қўл бармоқларидан учтаси миқдорича икки маҳсининг устига оёқ учидан бошлаб нам қўл билан силаш масҳнинг фарзидир. Оёқнинг

остиға ёки ёнларига масҳ тортиш дуруст эмас. Тўрт бармоқ билан масҳ тортиш суннат.

МАСҲ ТОРТИШНИНГ СУННАТИ

Қўлларни ҳўллаб, ўнг қўл бармоқларини ўнг оёқнинг бармоқлари устидан, чап қўл бармоқларини чап оёқнинг бармоқлари устидан теккизиб масҳ тортилади. Масҳдан сўнг чизиқлар ҳосил бўлиши учун бармоқлар ораси бир оз очик бўлади.

Масҳнинг муддати. Муқим учун масҳ тортиб юриш муддати бир кеча-кундуз, мусофир учун эса уч кеча-кундуз ҳисобланади. Бу вақт таҳорат бузилгандан бошлаб эътиборга олинади.

Масалан, бир киши субҳда таҳорат олиб, маҳсини кийса ва шу таҳорати пешинда бузилса, бунда у янги таҳорат олади, оёғига масҳ тортади ва кейинги куннинг пешин намозигача оёғига масҳ торта олади, агар мусофир бўлса, учинчи куннинг пешинигача масҳ тортади.

Мусофир деб, пиёданнинг ўртача юриши билан уч кунлик йўлга қасд қилиб чиққан кишига айтилади. Бу тахминан 99 километрлик масофадир.

Агар муқимнинг масҳ муддати тугамай, сафарга чиқса, унинг масҳ тортиш муддати мусофирнинг масҳ тортиш муддатига айланади. Мусофир бир кун ўтиб уйига қайтса, маҳсинини ечиб оёғини ювади. Чунки масҳ тортиш муддатнинг охириги вақтига қараб эътибор қилинади.

МАСҲНИ БУЗАДИГАН АМАЛЛАР

1. Таҳоратни бузадиган нарсалар.
2. Масҳ муддатининг тугаши.
3. Оёқ товонининг кўп қисми маҳсининг тўпикқача бўлган жойидан чиқиб кетиши.
4. Бир оёқ кийимидаги йиртиқ жамланганда оёқнинг кичик бармоқларидан учтаси кўринадиган миқдорга йиртилиши. Аммо икки оёқ кийимидаги йиртиқлар жамланмайди.

Жароҳатга масҳ тортиш. Синган ёки кесилган аъзо устидан бирор нарса боғланганда, уни ечиб ювиш оғриқни кучайтирса, ёхуд соғайишни кечиктирса, таҳорат вақтида шу жароҳат боғланган жой устига масҳ тортилади. Жароҳатга масҳ тортиш таҳоратда ҳам, ғуслда ҳам руҳсат этилади. Жароҳатга тортиладиган масҳнинг муддати таҳорат бузилиши билан тугайди. Агар жароҳатга сув тегиши зарар етказса, у тузалгунча масҳ тортиш дуруст бўлади. Масҳ жароҳатнинг кўпроқ жойига тортиш билан бўлади, унинг ҳамма ерига масҳ тортиш шарт эмас. Жароҳатга тортилган масҳ уни ювишнинг ўрнига ўтади. Агар жароҳат ечилганда тузалмаган бўлса, масҳ тортиш давом эттирилади. Аммо жароҳат

ечилганда тузалган бўлса, унинг ўрнини ювиш вожиб бўлади. Агар жароҳат сабабидан бошқа аъзоларга ҳам сув тегиши зарар бўладиган бўлса, таяммум қилади.

ТАЯММУМ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

Намоз ўқиш, Қуръони каримни ушлаш, масжидга кириш ва шу каби ибодатлар таҳоратсиз ёки ғуслсиз дуруст бўлмайди. Таҳорат ёки ғусл эса ўзи пок ва покловчи сув билан қилинади. Пок сув бўлмаса ёки сув бўлиб, уни ишлатиш мумкин бўлмаган вақтда таҳорат ёки ғусл ўрнига таяммум қилинади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди: **“Агар сув топа олмасангиз, покиза тупроқ билан таяммум қилиб, юз ва қўлларингизга суртинглар”**. (Нисо сураси, 43-оят).

“Таяммум” сўзи луғатда “қасд қилиш” деган маънони билдиради.

Шаръий истилоҳда эса таҳорат нияти билан ер жинсидан бўлган тупроқ, кесак, тош, қумга ўхшаш пок нарсага қасд қилиб, икки қўлининг кафти билан бир марта уриб, юзига ва иккинчи марта уриб, икки қўлининг тирсакларигача суртишдир.

ТАЯММУМ ҚИЛИШ УЧУН ЛОЗИМ БЎЛГАН САБАБЛАР

1. Фуқаҳолар наздида бир милл*дан ортиқ масофада сувнинг топилмаслиги.

2. Касаллик, унинг кучайиши ёки тузалишнинг секинлашиш хавфи бўлиши.

3. Қаттиқ совуқда сувни иситиш учун шароит бўлмаслиги ва совуқ сувнинг соғлиққа зарар бериш хавфи бўлиши.

4. Агар сув билан таҳорат қилганда, ўзи ёки ҳамроҳи ва ҳатто қарамоғидаги ҳайвонининг чанқаб, ҳалокатга учраши хавфи бўлиши.

5. Таҳорат қилиб келгунча ҳайит ёки жаноза намозларини ўтказиб юбориш эҳтимоли бўлиши.

Чунки бу намозлар қазо бўлса, ўрнига ўқиладиган намоз йўқ. Аммо жума намозига ета олмаслигини билса ҳам, таҳорат қилади, чунки, унинг ўрнига пешин намозини ўқиши мумкин.

6. Қудуқда сув бўлиб, уни чиқариб олишнинг имкони бўлмаслиги.

7. Сув бор жойда душман ёки йиртқич ҳайвоннинг хавфи бўлиши.

***Изоҳ.** Бир милл – 1848 метрга тенг.

ТАЯММУМНИНГ ФАРЗЛАРИ

1. Ният қилиш.

Фақат таҳорат билангина адо этиладиган ибодатни бажаришга ният қилиш. Аслида тупроқ кир кетказувчи (нарса) эмас, балки ўзи кир

килувчи (нарса)дир. Шу сабабли таяммумда ният шарт. Сув ўзи покловчи нарса бўлгани учун таҳоратда ният қилиш фарз эмас. Яъни, ниятсиз таҳорат қилган кишининг таҳорати дуруст бўлади. Аммо суннатни тарк қилган бўлади. Таяммум ниятсиз қилинса, фарзни тарк қилган бўлади ва қайта ният қилиб таяммум қилади. Зеро, таяммумнинг асл маъноси – қасд қилиш бўлиб, сув топа олмаган киши таяммумни қасд қилиш билан покланади.

2. Пок ер жинсидан бўлган нарсага таяммум қилиш.

3. Икки қўлнинг кафти билан бир зарб уриб, юзига масҳ тортиш.

4. Икки қўлини кафти билан иккинчи зарба уриб, қўлининг тирсагигача масҳ тортиш.

Изоҳ. Таяммум қилувчининг аъзоларида масҳни тўсадиган узук ва билагузукка ўхшаш нарсаларнинг бўлмаслиги ҳам шарт.

ТАЯММУМНИНГ СУННАТЛАРИ

1. “Бисмиллааҳ...” дейиш.

2. Тартибга риоя қилиш.

3. Узлуксиз бажариш.

4. Ўнг қўлдан бошлаш.

5. Зарбни кафтнинг ичи билан қилиш.

6. Қўлни тупроққа ургач, уни қоқиб ташлаш.

7. Соқол ва бармоқлар орасини хилол қилиш.

8. Кенг узук остига ҳам масҳ қилиш.

Таяммумнинг тартиби. Таяммум қилишни ният қилгандан сўнг кафтларни ер жинси*дан бўлган пок нарсага бир зарб уради, сўнг юзининг таҳоратда ювиладиган ерига ҳеч бир жой қолдирмай масҳ тортади. Кейин яна қўлини иккинчи марта зарб уриб, қўлини қоқади ва аввал ўнг, сўнгра чап қўлининг тирсагигача қўшиб кафти билан масҳ тортади. Мана шу таяммум билан киши таҳоратли ҳукмида бўлади.

***Изоҳ.** “Ер жинси” деганда, ер юзасида қарор топган нарса тушунилади. Бу тупроқ ёки бошқа ер жинси бўлишининг фарқи йўқ. Таяммумга яроқли ер жинси эримайдиган, ёнмайдиган, ўз хусусиятини ўзгартирмайдиган ва кулга айланмайдиган бўлиши керак.

ТАЯММУМНИ БУЗАДИГАН НАРСАЛАР

1. Таҳоратни бузадиган ҳар бир нарса таяммумни ҳам бузади.

2. Таяммум қилган киши сувни кўриши билан таяммуми бузилади.

3. Сувни ишлатишга ожиз бўлган киши унга қодир бўлиши билан таяммуми бузилади. Агар бир киши жунубликдан таяммум қилган бўлса, сўнг унда кичик таҳоратни бузадиган нарсалар содир бўлса, у яна

жунублик ҳолатига қайтиб қолмайди, балки у кичик таҳоратсизлик ҳукмида бўлиб, унга ёддан Қуръон ўқиш, масжидга кириш каби амаллар жоиз бўлади.

Изоҳ. Таяммум билан намоз ўқилгач, вақт чиқмай туриб сув топилса, намоз қайта ўқилмайди.

ҒУСЛ

“Ғусл” – “ювиш”, “бирор нарсанинг устидан сув оқизиш” деган маъноларни билдиради. Шаръий истилоҳда – муайян ҳолатларда баданнинг барчасини махсус усулда ювишга айтилади.

Уйқуда эҳтилом бўлиб қолганда, жинсий яқинлик қилганда, аёллар ҳайз ва нифосдан пок бўлганда ғусл қилиш фарз.

Жума ва ҳайит намозлари учун ғусл қилиш суннат ҳисобланади.

ҒУСЛНИНГ ФАРЗЛАРИ

1. Оғизга сув олиб, ғарғара қилиб чайиш.
2. Бурунга ачиштиргунча сув тортиб, яхшилаб чайиш.
3. Баданнинг ҳамма жойини ювиш.

Ғусл қилиш тартиби:

1. “Бисмиллааҳ” деб, ғуслга ният қилинади:

نَوَيْتُ أَنْ أَغْتَسِلَ غُسْلًا مِنَ الْجَنَابَةِ، رَفْعًا لِلْحَدَثِ وَاسْتِبَاهَةً لِلصَّلَاةِ، تَقَرُّبًا مِنَ اللَّهِ تَعَالَى

“Навайту ан ағтасила ғуслан минал-жанаабати, рофъан лил-ҳадаси вастибааҳатан лис-солаати, тақоррубан миналлооҳи таъаалаа”.

Маъноси: “Нопокликни кетказиш, намоз ўқишни жоиз этиш ҳамда Аллоҳ таолога яқинлик устаб ғусл қилишни ният қилдим”.

2. Аввал қўллар ювилади, сўнг бадандаги нажосат ювилади.
3. Тартиб билан таҳорат қилинади. Сўнг аввал бошга, кейин ўнг ва чап елкага сув қуйилиб, баданнинг ҳаммаси яхшилаб ювилади. Баданнинг игна учи микдоричалик жойга сув етмай қолса ҳам ғусл дуруст бўлмайди. Ғусл қилишдан олдин бадандаги сувни тўсувчи нарсаларни кетказиш лозим. Агар остига сув етмайдиган узук, билагузукка ўхшаш нарсалар бўлса, ечиш ёки айлантеририб остига сув етказилади.

ҒУСЛНИНГ СУННАТЛАРИ

1. Ният қилиш.
2. “Бисмиллааҳ...”ни айтиш.
3. Икки қўлни билагигача ювиш.
4. Қўлни ювгач, бадандаги нажосатни кетказиш.
5. Таҳорат қилиш.

6. Аъзоларни яхшилаб ишқалаб, уч мартадан ювиш.
7. Аввал баданнинг ўнг томони, сўнг чап томонини ювиш.
Таҳоратда макруҳ саналган амаллар ғуслда ҳам макруҳ саналади.

ҒУСЛ ҚИЛИШ МУСТАҲАБ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Ҳушидан кетиб сўнг ўзига келган, гуноҳидан тавба қилган, сафардан қайтган, Исломни қабул қилган, Каъбаи муаззама ва Мадинаи мунавварани зиёрат қилмоқчи бўлган кишилар ва истиҳоза ҳолатидан пок бўлган аёлларнинг ғусл қилишлари мустаҳаб.

ҒУСЛ ВОЖИБ БЎЛГАН КИШИНИНГ БАЖАРИШИ ҲАРОМ БЎЛГАН АМАЛЛАР

Таҳоратсиз бўлган кишига мумкин бўлмаган амаллар ғусл вожиб бўлган киши учун ҳам мумкин эмас. Шу билан бирга ғусл вожиб бўлган кишига Қуръони каримни ёддан ёки қараб ўқиш ҳамда масжидга кириш ҳам ҳаром ҳисобланади.

АЁЛЛАРГА ХОС МАСАЛАЛАР

Ҳайз – балоғатга етган, соғлом, ҳомиласиз, ҳомила кўришдан умидини узмаган аёлларнинг раҳмидан (бачадонидан) келадиган қондир. Умидсизлик ёшидан кейинги кўрилган қон истиҳоза қони (касаллик қони) ҳисобланади. Унинг энг ози уч-кеча кундуз, кўпи эса ўн кун бўлади. Шу кунлар орасида қон тўхтовсиз эмас, балки, орада бир-икки муддат тўхтаб, яна келиши мумкин. Мана шу қоннинг тўхташи ҳайзнинг ҳукмини ботил қилмайди. Албатта, ҳайз аввалги ва охириги вақти билан эътиборга олинади.

Агар ҳайз кўрувчининг одати бўлса ва унга зиёдалик қўшилса, ўн кунгача қўшилгани ҳайз ҳисобланади. Чунки одат ўзгариши мумкин, аммо одатидан зиёда бўлган қон ўнинчи кундан ҳам ўтиб кетса, у ўз одатини ҳайз ҳисоблаб, ундан ортганини истиҳоза қонга ҳукм қилади ва таҳорат қилиб, одатидан ўтган кунларнинг намозини қазо қилиб ўқийди.

Аёл киши ҳайз кунларида қизил, сариқ ва лойқаликни кўрса, ҳеч нарса аралашмаган холис оқликни кўргунча ҳайзли ҳисобланади. Холис оқ бўлса, ҳайз тўхтаган бўлади. Икки ҳайз ўртасидаги кунлар поклик кунлари дейилади. Шу поклик кунлари камида ўн беш кун бўлади. Кўпининг чегараси йўқ.

Нифос – фарзанд кўрган аёлдан келадиган қон. Аммо ҳомиладордан келадиган қон нифос эмас, балки у таҳоратни бузувчи қон бўлиб, бундай қон кўрган аёл бошқа аёлларга қайси амаллар дуруст бўлса, шу амалларни бажариши дуруст бўлади. Нифоснинг келиш муддати кўпи

билан қирқ кун, озининг чегараси йўқ. Қирқ кундан ортиқ кунларда келган қон истиҳоза (касаллик қони) қони, деб ҳукм қилинади. Ҳайз ва нифос ҳолатидаги аёллар намозни ҳам, рўзани ҳам тарк қилишади, покланганларидан сўнг рўзанинг қазосини тутиб берадилар, намознинг қазосини ўқимайдилар.

Истиҳоза – уч кундан оз муддат келган қон, ҳайз кунларининг ўн кунидан ошган қон, нифос кунларнинг қирқ кунидан зиёда бўлганда келган қон, ҳомиладор аёл кўрадиган қонларнинг барчаси истиҳоза – касаллик қони дейилади. Ҳайзнинг ўн кунлик муддатидан кейин келадиган қон истиҳоза қони дейилади. Чунки ҳали бу аёлнинг одати маълум эмас. Шунингдек, биринчи марта нифос кўраётган аёлнинг нифос муддати (агар қон қирқ кун ўтиб ҳам тўхтамаса,) қирқ кун деб белгиланади ва ундан ошгани истиҳоза қони ҳисобланади.

Истиҳоза қони узрли кишининг бурнидан доимий оқиб турган қонга ўхшайди. У намоз, рўза ва жимоъни ман қилмайди. Истиҳоза қони келиб турган аёлнинг ҳукми узрли кишининг ҳукмида бўлади. Узрли кишиларнинг баёни юқорида ўтди.

ҲАЙЗ ВА НИФОС ҲОЛАТИДА ҲАРОМ БЎЛГАН АМАЛЛАР

Ҳайз билан нифос жунублик ҳисобланиб, жунуб бўлган аёлга нима амаллар ҳаром бўлса, ҳайз ва нифос ҳолатидаги аёлга ҳам шу амаллар ҳаром бўлади. Шу билан бирга қуйидаги амалларни ҳам қилиш дуруст эмас:

1. Рўза тутиш.
2. Жимоъ қилиш.

Ҳайз ва нифоснинг муддати тугагач, ҳали ғусл қилмасдан туриб жимоъ қилса жоиз. Лекин аввал ғусл қилиб, сўнг жимоъ қилиш афзал.

НАМОЗ

Намоз – “яхшиликка дуо қилиш” деган маънони билдиради.

Шаръий истилоҳда – белгиланган шартлар асосида такбир билан бошланиб, салом бериш билан тугайдиган ибодатга намоз дейилади.

Намоз – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинага ҳижратларидан бир ярим йил аввал Исро кечасида фарз бўлган. Беш вақт (бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтон) намознинг фарзлиги Қуръон, суннат ва ижмоъ билан собит бўлган.

Намоз – ибодатларнинг энг асосийси, энг улуғи ҳамда энг аҳамиятлисидир.

Намоз – Аллоҳ таолонинг сон-саноксиз неъматларига мусулмон киши шукр келтириши учун шариатга киритилган бўлиб, унинг диний,

маънавий, тарбиявий, шахсий, ижтимоий ва саломатликка доир бир қанча фойдалари бор. Аввало, намоз банданинг Аллоҳ таоло билан боғланишидир. Намозда банда Аллоҳга муножот қилади, руҳий ва маънавий лаззат олади. Намоз ўқиш билан банда ўзининг барча ишларини Аллоҳ таолога топширади, қоронғи қабрининг ва Қиёмат кунининг даҳшатли азобларидан ўз нафсини омонда сақлайди.

Шунингдек, намоз кишининг поклигини ва соғлигини таъминлаб, мўъминлар билан ҳам доимий яхши алоқада бўлиб туришига сабаб бўлади.

НАМОЗНИНГ ФАРЗЛАРИ

Намознинг фарзлари 12 та:

Шуларнинг 6 таси намознинг ташқарисида, 6 таси намознинг ичкарисиди.

Намознинг ташқарисидаги фарзлар:

1. Бадан пок бўлиши (тахорат ёки ғусл қилган бўлиши).
2. Кийим ва намоз ўқиладиган жой пок бўлиши.
3. Авратлар ёпиқ бўлиши.
4. Қиблага юзланган бўлиши.
5. Намоз вақти кириши.
6. Ният қилиш.

Булар намознинг шартлари ҳам дейилади.

Намознинг ичидаги фарзлар:

1. Такбири таҳрима (намозга киришда “Аллооҳу акбар” дейиш).
2. Қиём.
3. Қироат.
4. Рукуъ қилиш.
5. Сажда қилиш.
6. Қаъдаи охир (охирги ракатда “Аттаҳиййаат”ни ўқиш микдорича ўтириш).

Мазкур фарзлар намознинг рукнлари ҳам дейилади.

НАМОЗНИНГ ВОЖИБЛАРИ

1. “Фотиҳа” сурасини ўқиш.
2. “Фотиҳа” сурасидан кейин бирор сура ёки уч оят микдорича зам қилиш (тўрт ракатли фарз намозларнинг учинчи ва тўрттинчи ракатларида “Фотиҳа” сурасидан кейин зам сура қилинмайди).
3. Рукуъ, сажда, қавма ва жалсада аъзоларнинг таскин топиши.
4. Жаҳр — бомдод, шом ва хуфтон намозларининг аввалги икки ракатини имом овозини чиқариб қироат қилиши.

5. Ихфо – пешин, аср намозларида ҳамда уч ёки тўрт ракатли фарз намозларнинг учинчи ва тўртинчи ракатларини имом овозини махфий қилиши.

6. Ташаххуд – ҳар қаъдада “Аттаҳиййаат”ни ўқиш.

7. Салом – намоздан “Ассалааму алайкум ва роҳматуллооҳ”, деб чиқиш.

8. Муволат – намоз амалларини тартиб билан бирин-кетин бажариш.

9. Инсот – имом қироат қилган вақтда муқтадий (имомга эргашган киши) кулоқ солиб, жим туриши.

12. Такбирот – Ҳайит намозларининг ҳар ракатида уч марта такбир айтиш.

13. Қунут – витрнинг учинчи ракатида “Қунут” дуосини ўқиш.

14. Саждаи саҳв* – унутиб фарз амалини кечиктирган ёки вожиб амалини тарк қилган кишининг охирги қаъдада саждаи саҳв (унутганлик саждаси)ни қилиши.

15. Сажда ояти ўқилганда сажда қилиш.

16. Намозга кечикиб келган киши имомни қайси амалда топса, шу амал билан намозга кириши.

***Изоҳ.** Намознинг фарз ё вожибларидан бири вақтидан кечиктириб бажарилгани ёки вожиб амалидан бирини унутиб қолдирилгани сабабли қилинадиган сажда – саждаи саҳв (унутганлик саждаси) дейилади. Саждаи саҳв қилиш тартиби – охирги қаъдада “Аттаҳиййаат”ни ўқиб, ўнг томонга салом бергач, “Аллооҳу акбар”, деб икки марта сажда қилади ва яна ўтирган ҳолида яна “Аттаҳиййаат”, “Салавот” ва дуоларни ўқиб, ўнг ва чап томонга салом бериш билан намозини тугатади.

САЖДА ОЯТИ ЎҚИЛГАНДА САЖДА ҚИЛИШ

Намоздан тшқарида сажда ояти ўқилганда қиблага юзланиб, тиловат саждасини ният қилиб, қўлини кўтармасдан саждага кетади ва уч марта **“Субҳаана роббийал аълаа”** ни айтиб **“Аллооҳу акбар”** деб саждадан бошини кўтаради. Қўлларини дуога очиб қуйидаги дуони ўқийди:

“Сажадту лирроҳмаани ва ааманту бирроҳмаани фағфирли зунубий йа Роҳмаану, самиънаа ва атоънаа ғуффоонака Роббанаа ва илайкал-масиир”

Маъноси: *Раҳмонга сажда қилдим, Раҳмонга иймон келтирдим, Эй Раҳмон! Гуноҳларимни мағфират қилгин, эшитдик ва итоат этдик ва оқибат сенгадир.*

НАМОЗНИНГ СУННАТЛАРИ

1. Фарз намозларини жамоат билан ўқиш.
 2. Фарз намози учун азон айтиш.
 3. Фарз намозидан олдин такбир айтиш.
 4. Такбири таҳримада эркаклар қўлларини қулоқ юмшоғигача, аёллар елка баробаригача қўтариш.
 5. Такбир учун қўл кўтарганда бармоқларини ёйиб туриш.
 6. Қиёмда турганда қўлни боғлаб киндик остига, аёллар эса кўкракларига қўйиши.
 7. Сано айтиш.
 8. “Аъузу биллааҳи...”ни айтиш.
 9. “Фотиҳа” сурасидан сўнг овоз чиқармасдан “Амин” дейиш.
Рукуъ ва сажда қилиб, қайтганда ҳамда витр намозида “Қунут дуоси”ни бошлашдан аввал “Аллооҳу акбар” дейиш. (Самиъаллооҳу лиман ҳамидах, Роббанаа лакал-ҳамд” дейиш ҳам суннат).
 10. Рукуъ ва саждада уч марта тасбеҳ айтиш.
 11. Рукуъда бармоқ оралиғини очиб, тиззага таяниб, тиззаларини тўғри тутиб, (аёллар тиззаларини ва белларини биров эгадилар) бошини бели билан баробар қилиб туриш.
 12. Саждада икки кафт, икки тизза, икки оёқ учлари, бурун ва пешонани ерга теккизиб, билакларни ерга ва қорнига теккизмасдан, қорнини сонига теккизмасдан туриш. Аёллар аксинча, сиқилиброк туришади.
 13. Қаъдада чап оёқнинг устига ўтиради. Ўнг оёқни тутиб, оёқ бармоқларини ерга ётқизиб, қўлларини сонлари устига қўйиб, бармоқ учлари тизза баробари қўйилади. Аёллар эса икки оёқларини ҳам ўнг томонларига чиқариб, чап қўймучи четига ўтирадилар.
 14. Иккинчи қаъдада салавотни охиригача ўқиш.
 15. Салавотдан сўнг дуо ўқиш.
 16. Ўнг ва чап томонга салом бериш.
 17. Имомнинг такбир, тасмеъ ва саломни овоз чиқариб айтиши.
 18. Муқтадий ҳамма амалларни имом билан бирга қилади. Имомдан олдин ёки кейин қилиш макруҳ.
 19. Ҳайит намозларининг такбирлари орасида қўлларини ёнига тушириш.
 20. Муқтадий битта бўлса, имомнинг ўнг томонида туриши, икки ва ундан ортиқ бўлса, имомнинг орқасида саф бўлиб туриши.
- Изоҳ:** Ҳанафий мазҳабига кўра, қиёмда турганда қўлларни боғлаб киндик остига қўйилади.
- “Фотиҳа” сураси охирида “Амин” махфий (ичида) айтилади.

Рукуъ қилишдан аввал ва рукуъдан қайтганда рафъул-ядайн амали қилинмайди, яъни қўллар кўтарилмайди.

НАМОЗНИНГ МУСТАҲАБЛАРИ

1. Такбири таҳримага қўл кўтарганда бармоқлар орасини очик қилиш.
2. Бош бармоқларни кулоқ юмшоғига теккизиш.
3. Қиёмда оёқлар ораси бироз очик туриши.
4. Қўл боғланганда чап қўл бўғинини ўнг қўлнинг бош бармоғи ва жимжалоғи билан боғлаб ушлаш.
5. Оят ва тасбеҳларни равон ўқиш.
6. Бомдод ва пешин намозларида “Фотиҳа” сурасидан кейин узунроқ сураларни ўқиш.
7. Аср ва хуфтон намозида ўртача узунликдаги сураларни ўқиш.
8. Шом намозида қисқа сураларни ўқиш.
9. Аввалги ракатга узун, кейинги ракатга қисқароқ сураларни ўқиш.
10. Саждада бош бармоқларнинг кулоқлар ёнида туриши.
11. Саждада қўл бармоқлари бир-бирига тегиб туриши.
12. Саждада оёқ бармоқлари ерга тегиб, товоннинг кўтарилиб туриши.
13. Қўл ва оёқ бармоқлари қиблага қараб туриши.
14. Қаъдада қўл бармоқлари эркин ҳолича сон устига туриши.
15. Ёлғиз намоз ўқиганда рукуъ ва саждада тасбеҳларни тоқ айтиш: 3, 5, 7 мартагача.
16. Саждага боришда аввал тиззалар, сўнгра қўллар, охирида пешонани ерга қўйиш.
17. Саждадан бошни кўтарганда бунинг аксини қилиш.
18. Саломда юзни ўнг ва чап томонларга орқадаги киши юзини кўрадиган даражада буриш.
19. Қиёмда сажда ўрнига, рукуъда оёқ бармоқлари орасига, саждада ерга қараб туриш.
20. Намозда йўтал ва эснаш келиб қолса, иложи борича қайтариш.
21. Ихтиёрсиз эснаганда ўнг қўл орқаси билан оғизни беркитиш.
22. Намозга кейин келган киши қолган ракатларни ўқиш учун имомнинг икки томонга салом беришини кутиши.
23. Намозда у ёқ бу ёққа қарамаслик.

НАМОЗНИ БУЗАДИГАН АМАЛЛАР

1. Намоздан ташқари сўзларни (адашиб бўлса ҳам) сўзлаш.
2. Салом бериш ёки алик олиш.
3. Нўхотдан каттароқ нарса (тиш орасида қолган таомлар)ни ейиш.
4. Узрсиз томоқ қириш.

5. Маст ҳолда бўлиш.
6. Акса уриб, “Алҳамду лиллааҳ”, деган кишига “Ярхамукаллоҳ”, деб жавоб бериш.
7. Дунё ишларини эслаб, овоз чиқариб йиғлаш.
8. Сура ёки зикрларни ёзувга қараб ўқиш.
9. Саждада икки оёқ учлари ердан узилиб туриши.
10. Бадан, кийим ва намоз ўқийдиган жойининг нопок бўлиши.
11. Авратнинг тўртдан бир қисми очилиб қолиши.
12. Таҳоратнинг бузилиши.
13. Кўп амал – амали касир қилиш. Яъни, ташқаридан кўрган киши “намоз ўқимаяпти”, деб ўйлайдиган даражадаги амалларни қилиш.
14. Қибладан бошқа томонга бурилиш.
15. Намоздаги фарз бўлган амаллардан бирини тарк этиш.
16. Жамоат намозида кейин келган кишига жой бериш учун сурилиш (агар у елкасидан ушлаб сурилишини сўраса, жой бўшатиши жоиз).
17. Жамоат намозини эркак ва аёл бир сафда туриб ўқиши.
18. Қуръон оятларининг маъносини ўзгартирадиган даражада бузиб ўқиш.
19. Ўзи эшитадиган даражада кулиш (қаҳқаҳа билан кулса, таҳорат ҳам бузилади).
20. Намоз асносида ҳушидан кетиш.
21. Бомдод намози ўқиётганда қуёш чиқиб қолиши.
22. Инграб (оҳ, уҳ, уф каби) овоз чиқариш.

НАМОЗНИНГ МАКРУҲЛАРИ

1. Такбирни икки мартадан айтиш.
2. Суннат амаллардан бирини тарк этиш.
3. Қиёмга туришда қўл билан ер ёки бошқа нарсага суяниб туриш.
4. Намозда такаббур ҳолатда туриш.
5. Қироатга ҳалал берувчи нарсани оғзида сақлаш.
6. Узрсиз йўталиш.
7. Бурун қоқиш.
8. Эшитилмайдиган товуш билан “оҳ” дейиш, агар эшитиладиган қилиб айтса, намози бузилади.
9. Рукуъда бошни юқори ёки қуйи солиш.
10. Қироатни рукуъда тугатиш.
11. Саждада қўлни тиззадан аввал ерга қўйиш.
12. Тиш орасидан чиққан нўхотдан кичик нарсани ютиш.
13. Ҳар бир зикрни ўз ўрнида тугатмасдан иккинчи ўринда тугатиш.
14. Кўзни юмиб ўқиш.

15. Сажда ўрнидаги тош ва тупроқларни суриш (зарурат юзасидан бир марта сурса жоиз).
16. Юздаги чанг ва тупроқларни артиш.
17. Кийимларини қўллари билан йиғиштириш.
18. Керишиш.
19. Бармоқларини қирсиллатиш.
20. Эски иш кийими билан намоз ўқиш.
21. Рукуъдан бошқа ўринда бармоқ ораларини кенг очик тутиш.
22. Қироатни тез ўқиш.
23. Ўнг ёки чап томонга оғиб туриш.
24. Бир-икки ҳаракатда бит ва бургаларни ўлдириш ёки ҳайдаш (уч марта бўлса намоз бузилади).
25. Тупуриш.
26. Кийимларни бир қўлда бўлса ҳам кийиш ёки ечиш.
27. Ҳидли нарсани ҳидлаш.
28. Бирор нарса билан бир-икки марта елпиниш (уч мартада бузилади).
29. Бир намозга доим муайян бир сурани тайин қилиб ўқиш.
30. Орада бир неча оятларни ташлаб, бир оятдан бошқа оятга ўтиш.
31. Биринчи ракатга бир сура ўқиб, иккинчи ракатга ундан аввалгисини ўқиш.
32. Фарз намозларининг кейинги ракатини аввалги ракатдан узайтириб ўқиш.
33. Бош кийимларни олд қисмига сажда қилиш (пешонани ерга текказмаслик).
34. Саждада эркаклар қорин ва тирсакларини ерга ва сонига теккизиш.
35. Оз ҳаракат билан бўлса-да, оёқ кийимларини кийиш ёки ечиш.
36. Имомнинг намозни қавмга малол келадиган даражада чўзиб ёки шошиб ўқиши.
37. Қироати махфий бўлган намозларда имомнинг сажда оятини ўқиши.
38. Фарз намозларда бир оятни узрсиз икки мартадан ўқиш.
39. Эркакларнинг енгларини тирсакдан юқори шимариб ўқиши.
40. Намозда эркакларнинг сочини турмаклаб олиши.
41. Ўз ихтиёри билан эснаш.
42. Бирор нарсани ушлаб қиёмга туриш ёки суяниб ўқиш.
43. Бирор аъзони бир-икки мартаба қашиш (бир рукнда уч марта бажарса, намоз бузилади).
44. Бош кийимсиз намоз ўқиш. Тавозе учун бўлса, жоиз.
45. Кийимида ёки атрофида кўзга кўринадиган ҳайвон ёки инсон сурати бўлиши.

46. Қабрга ва бировнинг юзига, ойнага, нажас нарсаларга қараб намоз ўқиш.

47. Олдинги сафда жой бўлган ҳолда кейинги сафда туриб намоз ўқиш.

48. Таҳорати танг бўлган ҳолда намоз ўқиш.

49. Овозсиз кулиш. Овоз чиқариб кулса, намоз ҳам, таҳорат ҳам бузилади.

50. Кўз ёки қоши билан ишора қилиб бирор сўз айтиш ёки жавоб бериш.

НАМОЗНИНГ МУБОҲЛАРИ

1. Сажда қиладиган жойни зарурат учун қўли билан бир икки марта суриш.

2. Илон ва чаёнга ўхшаш чақадиган ҳайвонларни ўлдириш.

3. Нафл намозларда бир ракатда бир сурани такрор ўқиш.

4. Имом янглишганда муктадийлар такбир ёки тасбеҳ орқали имомни огоҳлантириши.

5. Рукуъда баданига ёпишмаслиги учун кийимларини силкитиш.

6. Намозда ихтиёрсиз таҳорати бузилган киши ҳеч сўзламасдан таҳорат қилиб, келган жойидан бошлаб, қолган намозини ўқиши.

ЭРКАК ВА АЁЛЛАР НАМОЗИНИНГ ФАРҚЛАРИ

Эркак ва аёллар намози саккиз ўринда бир-биридан фарқ қилади:

1. Намозга “Аллооҳу акбар” деб такбир айтилганда, эркаклар қўлларини кўтариб, бош бармоқларини кулоқ юмшоғи баробарига, аёллар эса қўлларини елкаси баробарига кўтарадилар.

2. Эркаклар қўлларини кўтарганда очиқ ҳолда, аёллар қўли эса енгининг ичида бўлиши лозим.

3. “Аллооҳу акбар” деб такбир айтгандан сўнг эркак киши ўнг қўлини чап қўлининг устига қўйиб, бош бармоғи ва жимжалоғи билан чап қўлининг бўғими устидан боғлайдилар. Уч ўрта бармоқларини бир-бирига яқин ҳолатда узунасига қўйиб, киндикдан пастда ушлаб туради. Аёллар эса қўлларини боғлаб кўкраги устига қўядилар.

4. Рукуъда эркаклар тиззаларини букмасдан тик ҳолатда турса, аёллар тиззаларини биров букиб турадилар.

5. Рукуъда эркаклар тиззаларига таянганда бармоқлари ораси бир оз очиқ ҳолатда бўлади, аёллар эса бармоқлари орасини очмасдан, тизза кўзини ушлаб турадилар.

6. Саждада эркаклар билакларини ердан ва ёнбошидан, қоринларини сонларидан ва ердан узоқда тутадилар, аёллар эса аксинча, билакларини ерга ва қоринларини сонларига ёпиштириб сажда қиладилар.

7. Қаъдада эркаклар чап оёғини ётқизиб, устига ўтирадилар, ўнг оёқ бармоқларини қиблага қаратадилар, аёллар эса икки оёқларини ўнг тарафга қаратиб, чап қуймучлари четига ўтирадилар.

8. Эркаклар фарз намозларни азон ва иқомат айтиб, жамоат бўлиб ўқийдилар, аёлларга эса азон ва иқомат шарт эмас. Улар намозни жамоат бўлиб ўқиши макруҳ.

НАМОЗНИ БУЗИШ ВОЖИБ ВА ЖОИЗ БЎЛГАН ЎРИНЛАР

1. Ҳалокатнинг олдини олиш учун, гарчи фарз намози бўлса-да, бузиш вожиб бўлади. Масалан, бир киши фалокатга учраётган, сувга чўкаётган, унга золим киши тажовуз қилаётган, кўр ёки ёш бола кудуқ ёхуд жарликка тушиб кетиш хавфи бўлса, бирор ҳайвон ҳужум қилса шу каби ҳалокатларнинг олдини олиш учун намозини бузади.

2. Камида бир дирҳам (3.12 грамм кумуш) миқдоридаги молини ўғридан ҳимоя қилиш учун, гарчи фарз намозини бўлса ҳам бузиши жоиз. Мисол учун уйига ва молига ўт кетса, чорва молларига бўри ҳужум қилса, зарурат учун намозни бузган киши намозини қайтадан ўқиса бўлади.

3. Ота ёки она фарзандини намоз ўқиётганини сезмай туриб чақирса, фарзанд агар нафл намоз ўқиётган бўлса, фақат шу нафл намозни бузиши жоиз.

АЗОН

“Азон” луғатда “чақирмоқ”, “эълон қилмоқ” деган маъноларни билдиради. Шаръий истилоҳда – намоз вақтининг кирганини эълон қилиш учун айтиладиган махсус калималардир. Азон калималари қуйидагича:

1. **“Аллооҳу акбар”** (“Аллоҳ улуғдир”) – 4 марта.

2. **“Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳ”** (“Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”) – 2 марта.

3. **“Ашҳаду анна Муҳаммадар-росуулulloоҳ”** (“Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир”) – 2 марта.

4. **“Ҳаййа ьалас-солаах”** (“Намозга шошилинг”) – 2 марта.

5. **“Ҳаййа ьалал-фалаах”** (“Нажотга шошилинг”) – 2 марта.

6. **“Аллооҳу акбар”** (“Аллоҳ улуғдир”) – 2 марта.

7. **“Лаа илааҳа иллаллооҳ”** (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”) – 1 марта.

Бомдод намозининг азонда **“Ҳаййа ьалал-фалаах”**дан кейин 2 марта **“Ассолаату хойрум-минан-навм”** (“Намоз уйқудан афзал”), дейилади.

ИҚОМАТ

Иқомат фарз намозларига киришишдан олдин айтилади. Унинг лафзлари қуйидагича бўлиб, азон лафзларидан тезроқ айтилади:

1. **“Аллооҳу акбар”** – 4 марта.
2. **“Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳ”** – 2 марта.
3. **“Ашҳаду анна Мухаммадар-росуулulloоҳ”** – 2 марта.
4. **“Ҳаййа ьалас-солааҳ”** – 2 марта.
5. **“Ҳаййа ьалал-фалааҳ”** – 2 марта.
6. **“Қод қооматис-солааҳ”** – 2 марта.
7. **“Аллооҳу акбар”** – 2 марта.
8. **“Лаа илааҳа иллаллооҳ”** – 1 марта.

АЗОН ВА ИҚОМАТНИНГ ҲУКМИ

Ўз вақтида адо этилаётган намозлар, вақти ўтиб кетган қазо намозлари, жамоат намози, ёлғиз ўқувчининг намози, сафарда ёки муқимликда ўқиладиган фарз намозларининг барчасида азон ва иқомат айтиш суннат.

АЗОННИНГ ШАРТЛАРИ

1. Намоз вақтининг кириши. Намоз вақти кирмасдан аввал айтилган азон дуруст эмас.
2. Азон араб тилида бўлиши. Араб тилидан бошқа тилларда айтилган азон дуруст эмас.
3. Азон айтувчи киши оқил, балоғатга етган, яхши-ёмонни ажрата оладиган бўлиши керак. Фойда-зарарни ажрата олмайдиган гўдак, маст, мажнун, жунуб кишининг айтган азони қайтадан айтилади. Лекин улар такбир айтган бўлсалар, қайтадан айтилмайди.

АЗОН ВА ИҚОМАТДАГИ СУННАТЛАР

1. Азоннинг эркак киши томонидан айтилиши. Аёл кишининг азон айтиши макруҳ.
2. Азонни тик турган ҳолда айтиш. Ўтириб азон ва такбир айтиш макруҳ.
3. Азонни баланд жойга чиқиб айтиш, чунки бунда овоз узоқроққа боради.
4. Азон ва иқоматни қиблага юзланиб айтиш. Азонни ҳар томонга етказиш учун мезанани айланиб айтишнинг зарари йўқ.
5. Инсонларга эшиттириш мақсадида овозни имкон қадар баланд кўтариш.

6. **“Ҳаййа ъалас-солаах”**ни айтаётганда юзни ўнг томонга, **“Ҳаййа ъалал-фалаах”**да эса чап томонга буриш.

7. Азон жумлаларининг ораларини ажратиб, ҳар бир жумла орасида бироз сукут қилиш. Иқоматни эса тезроқ айтиш.

8. Азон айтаётганда таҳоратли бўлиш. Таҳоратсиз кишининг азони жоиз бўлса-да, макруҳ.

9. Муаззиннинг солиҳ инсон бўлиши. Фосиқнинг азон айтиши макруҳ.

10. Азон билан иқоматнинг ўртасида намозхонлар етиб кела олиш миқдорича вақт ўтказиш. Бу тўрт ракатли намоз миқдоридача бўлади. Шом намозида азондан сўнг ўтирмасдан такбир айтилади.

11. Муаззин азон айтаётганда гапирмаслиги, салом берган, акса уриб ҳамд айтган кишига жавоб қайтармаслиги лозим. Агар муаззин азон айтиш вақтида бирор сўз айтса, азонни қайта айтади.

12. Азон калималарини ноўрин чўзиб, маъноларини бузиб юборишдан сақланиш. Масалан, **“Аллоох”** калимасидаги алифни чўзиб, **“Ааллооҳу акбар”**, деса, азон маъноси бузилади. Чунки бунда Аллоҳнинг улуғлигига шак қилган бўлиб қолади. Ёки **“Акбар”** калимасидаги **“ба”**ни чўзиб, **“Аллооҳу акбаар”**, деса ҳам, маъно бузилади. Шайтоннинг исмларидан бири Акбаардир. **أَكْبَارُ** - **“ноғоралар”** деган маънода ҳам келади. Ушбу такбир калимасини намознинг ичида ҳам шу каби бузиб айтса, намоз ботил бўлиб, тавба қилиши ва намозини қайта ўқиши лозим.

13. Иқомат айтилгач, кечиктирмай намозни бошлаш. Агар иқоматдан сўнг намоз кечикиб кетса, у қайтариб айтилади. Имом ҳам, жамоат ҳам иқоматдаги **“Ҳаййа ъалас-солаах”**да ўринларидан тура бошлайдилар, **“Қод қооматис-солаах”**га етганда намозга ният қилинади.

Мазкур суннатлардан бирортасини қасддан тарк қилиш макруҳ. Муаззин азон айтаётганда кўрсаткич бармоқларини қулоқлари ичига қўйиши мустаҳаб. Чунки, бу унинг овозининг баланд бўлишига сабаб бўлади. Қазо намозларига ҳам азон ва иқомат айтилади. Қазо намозлари кўп бўлса, аввалгисига азон, қолганларига иқомат айтилади.

14. Муаззинга жавоб бериш. Азонни эшитаётган киши ҳар қандай ишини, ҳатто Қуръон қироатини ҳам тўхтатиб, азонга жавоб бериши суннат. Азонга жавоб қайтариш сўз ва амал билан бўлади:

- Азоннинг ҳар бир калимасини қайтариб туради, **“Ҳаййа ъалас-солаах”** ва **“Ҳаййа ъалал-фалаах”** деганда: **“Лаа ҳавла валаа қуввата иллаа биллаах”** калимасини айтиб жавоб берилади.

- Азонни эшитган киши намозни жамоат билан ўқиш учун масжидга юриши азонга амал билан ижобат қилишдир. Агар азонни эшитган киши масжидга бора олмайдиган бўлса, азоннинг хурматини қилиб эшитиб туриши лозим.

Муаззин ҳам, азон эшитувчи ҳам азондан сўнг Пайғамбаримизга салават айтиб, кейин ушбу азон дуосини ўқийди:

اَللّٰهُمَّ رَبَّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ، وَالصَّلَاةِ الْقَائِمَةِ، اَنْتَ مُحَمَّدًا
الْوَسِيْلَةَ وَالْفَضِيْلَةَ، وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَّحْمُوْدًا الَّذِي وَعَدْتَهُ

“Аллоохумма, Робба ҳазиҳид-даъватит-тааммаҳ, вас-солаатил-қооимаҳ. Аати Муҳаммаданил-васийлата вал-фадзийлах, вабъасху мақоомам-маҳмууданиллазии ваъадтах”. (Бухорий ривояти).

Маъноси: “Эй бу комил дуо ва қоим бўлган намознинг эгаси Аллоҳим! Муҳаммадга васила ва фазилат бер, у зотни ваъда қилганинг мақтовли мақомда тирилтир”.

Азон билан иқомат ўртасида қилинадиган дуолар ижобатдир.

НАМОЗЛАР ВА РАКАТЛАРИ

Намоз	Аввалги суннат	Фарз	Кейинги суннат	Витр
БОМДОД	2	2	-	-
ПЕШИН	4	4	2	-
АСР	-	4	-	-
ШОМ	-	3	2	-
ХУФТОН	-	4	2	3

БОМДОД НАМОЗИНИНГ ЎҚИЛИШ ТАРТИБИ

Бомдод намози тўрт ракатдан иборат: 2 ракат суннат ва 2 ракат фарз.

Икки ракат суннат.

Намоз вақти кириб, азон айтилгандан сўнг, намозга қуйидагича ният қилинади:

“Бомдод намозининг икки ракат суннатини қиблам бўлмиш Каъба тарафга юзланиб, холис Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим”.

Икки қўлнинг кафтини қиблага қаратиб, бармоқларни букмасдан, уларнинг орасини кенг очмасдан ва жипслаштирмасдан, ўз ҳолича қўйиб, бош бармоқларини кулоқларининг юмшоғи баробарига кўтаради ва: **“Аллооҳу акбар”**, дейди. Аёл киши икки қўлининг кафтини қибла тарафга қаратиб, кўкрак баробаригача кўтаради.

Сўнг қўллар боғланади. Ўнг қўл кафтини чап қўл устига қўяди. Ўнг қўлнинг бош ва кичик бармоқлари билан чап қўл билагини кўкрак устига

қўяди. Қиёмда турган ҳолатида сажда қилинадиган жойга қараб, қуйидаги “Сано”ни ўқийди:

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ

Субҳаанакаллоохумма ва биҳамдика ва табаарокасмука ва таъаалаа жаддука валаа илааҳа ғойрук.

Маъноси: “Аллоҳим, Сени пок Зот деб ёд қиламан, исминг муборак, мартабанг улуғ, Сендан ўзга илоҳ йўқ”.

“Сано”дан сўнг:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ * بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Аъузу биллааҳи минаш-шайтоонир рожиим, Бисмиллааҳир роҳмаанир роҳиимни айтиб, “Фотиҳа” сурасини ўқийди:

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١﴾ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٢﴾ مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ ﴿٣﴾

إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٤﴾ اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٥﴾ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ

عَلَيْهِمْ ﴿٦﴾ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٧﴾

Алҳамду лиллааҳи роббил-ъааламиин. Арроҳмаанир роҳиим. Маалики йавмид-диин. Иййаака наъбуду ва иййаака настаъиин. Ихдинас-сироотол-мустақим. Сироотол-лазиина анъамта ъалайҳим. Ғойрил-мағдзууби ъалайҳим валадздзоооллиииин.

Маъноси: 1. Ҳамд оламлар Рабби – Аллоҳгаким, 2. (У) Меҳрибон, Раҳмли. 3. (ва) жазо куни (қиёмат)нинг эгасидир. 4. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз! 5. Бизни шундай тўғри йўлга бошлагинки, 6. (у) Сен инъом (ҳидоят) етганларнинг йўлидир, 7. ғазабга учраган ва адашганларнинг эмас!

Эслатма: Ушбу “валадздзоооллиииин” калимасидаги “д” ва “з” товушлари аралашган йўғон “дз” шаклида талаффуз қилинади. Унинг айтилиш усулини тинглаб ўзлаштириш осонроқ.

Сўнг бирор зам (Қуръондан кичик сура ёки узун бир оят ёки қисқа уч оят) сура ўқийди. Масалан:

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ ﴿١﴾ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَخِّرْ ﴿٢﴾ إِنَّ شَانِئَكَ هُوَ الْأَبْتَرُ ﴿٣﴾

1. Иннаааа аътойнакал-кавсар. 2. Фасолли лироббика ванҳар. 3. Инна шааниака хувал-абтар.

Маъноси: 1. (Эй Муҳаммад!) Албатта, Биз Сизга Кавсарни ато этдик. 2. Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз

ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг! 3. Албатта, ганимингизнинг ўзи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир.

Зам сурадан сўнг **“Аллооҳу акбар”**, деб рукуъ қилади. Рукуъ ҳолатида тиззаларини ва тирсакларини букмасдан, қўллари билан тиззаларини маҳкам тутган ҳолда эгилади. Аёл киши эса бироз эгилади ва тиззаларини ҳам бироз букади. Уч марта: **“Субҳаана роббиял-ъазим”** (Эй Буюк Раббим! Сен барча нуқсонлардан поксан), дейди.

Рукуъдан: **“Самиъаллооҳу лиман ҳамидах”** (Аллоҳ Унга ҳамд айтганларни эшитгувчидир), деб қаддини кўтаради. Бу ҳолат “қавма” дейилади. Қавма ҳолида: **“Роббанаа ва лакал-ҳамд”** (Эй Раббимиз! Сенга ҳамд бўлсин), дейди.

“Аллооҳу акбар”, деб аввал тиззалар, кейин кафтлар, сўнг бурун ва пешонани ерга теккизиб сажда қилади. Саждада оёқ панжаларини қиблага қаратади, тирсакларини ерга ва биқинга теккизмайди. Саждада уч марта: **“Субҳаана роббиял-аълаа”**, дейди.

“Аллооҳу акбар”, деб саждадан бошини кўтариб, бир тасбеҳ микдорича ўтиради. Бу ҳолат “жалса” дейилади. Жалсада қўл ва бармоқларини ўз ҳолича тутиб тиззага қўяди. Чап оёғи устига ўтириб, ўнг оёқ қадамини тик қилиб, панжаларини қиблага қаратади. Аёл киши оёқларини ўнг томондан чиқариб ўтиради.

“Аллооҳу акбар”, деб яна сажда қилади ва уч марта: **“Субҳаана роббиял-аълаа”**, дейди. Шу билан биринчи ракат тугайди.

“Аллооҳу акбар”, деб иккинчи ракатга туради.

Аъузу биллааҳи минаш-шайтоонир рожиим, Бисмиллаахир роҳмаанир роҳиим деб, “Фотиҳа” сурасини, сўнг зам сура ўқийди. Масалан:

قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ۝ اللَّهُ الصَّمَدُ ۝ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ۝

وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ ۝

1. Қул ҳуваллооҳу аҳад. 2. Аллооҳус-сомад. 3. Лам ялид ва лам йуулад. 4. Ва лам йакуллахуу куфуван аҳад.

Маъноси: 1. (Эй Муҳаммад!) Айтинг: “У Аллоҳ ягонадир. 2. Аллоҳ Сомад (эҳтиёжсиз, ҳожатбарор)дир. 3. У тугмаган ва тугилмаган ҳам. 4. Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенги йўқдир”.

Зам сурадан сўнг **“Аллооҳу акбар”** деб рукуъга боради ва уч марта **“Субҳаана роббиял-ъазим”**, дейди.

Рукуъдан: **“Самиъаллооҳу лиман ҳамидах”**, деб қаддини кўтаради. Тик тургач: **“Роббанаа ва лакал-ҳамд”**, дейди.

“Аллооҳу акбар”, деб сажда қилади. Саждада уч марта: “Субҳаана роббиял-аълаа”, деб айтади.

“Аллооҳу акбар”, деб саждадан бошини кўтариб, бир тасбеҳ микдорича ўтиради. “Аллооҳу акбар”, деб яна иккинчи саждага қайтади ва уч марта: “Субҳаана роббиял-аълаа”, дейди. Сўнг “Аллооҳу акбар”, деб ўтиради. Қаъда (ўтириш)да аввал “Ташаххуд”, сўнг “Салавотлар” ва “Дуо” ўқийди.

ТАШАХХУД

التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ
وَبَرَكَاتُهُ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ
وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ

Аттахиййаату лиллааҳи вас-солаваату ват-тоййибаату, ассалааму ʔалайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллооҳи ва барокаатух. Ассалааму ʔалайнаа ва ʔалаа ʔибаадилааҳис-соолиҳиин, ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʔабдуҳуу ва росуулуҳ.

Маъноси: “Саломлар, дуолар ва пок нарсалар Аллоҳ учундир. Эй Набий! Сизга салом ва Аллоҳнинг раҳмату баракотлари бўлсин. Бизларга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва элчиси, деб гувоҳлик бераман”.

САЛАВОТ

اَللّٰهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى اِبْرَاهِيْمَ وَعَلَى
آلِ اِبْرَاهِيْمَ، اِنَّكَ حَمِيْدٌ مَّجِيْدٌ، اَللّٰهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ،
كَمَا بَارَكْتَ عَلَى اِبْرَاهِيْمَ وَعَلَى آلِ اِبْرَاهِيْمَ، اِنَّكَ حَمِيْدٌ مَّجِيْدٌ

Аллооҳумма солли ʔалаа Муҳаммадив-ва ʔалаа аали Муҳаммад. Камаа соллайта ʔалаа Иброоҳиима ва ʔалаа аали Иброҳиим. Иннака ҳамиидум-мажиид. Аллооҳумма баарик ʔалаа Муҳаммадив-ва ʔалаа аали Муҳаммад. Камаа баарокта ʔалаа Иброҳиима ва ʔалаа аали Иброҳиим. Иннака ҳамиидум-мажиид.

Маъноси: “Аллоҳим! Иброҳим ва унинг оиласига салавот йўллаганинг каби Муҳаммад ва у зотнинг оиласига салавот йўлла. Сен мақтовга лойиқ ва буюк Зотсан. Аллоҳим! Иброҳим ва унинг оиласига баракотингни нозил қилганинг каби Муҳаммад ва у зотнинг оиласига ҳам баракотингни нозил қил. Сен ҳамду мақтовга лойиқ ва буюк Зотсан”.

ДУО

اَللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِيْ وَلِوَالِدَيَّ، وَلِجَمِيْعِ الْمُؤْمِنِيْنَ وَالْمُؤْمِنَاتِ، وَالْمُسْلِمِيْنَ وَالْمُسْلِمَاتِ،
رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

Аллоохуммағфирли ва ли-ваалидайя ва ли-жамииъил-муъминиина вал-муъминаат, вал-муслимиина вал-муслимаат.

Роббанаа аатиная фид-дунйаа ҳасанах, ва фил-аахироти ҳасанах, ва қинаа ʔазаабан-наар.

Маъноси: “Аллоҳим! Мени, ота-онамни ва барча муъмин-муъминаларни, муслим-муслималарни мағфират қил”.

“Раббимиз! Бизга дунёда ҳам яхшилик ва охиратда ҳам яхшилик ато эт ва бизни дўзах азобидан сақла!”.

Мазкур дуоларни ўқиб бўлгач, аввал ўнг томонга қараб: “Ассалааму ʔалайкум ва роҳматуллоох”, сўнгра чап томонга қараб: “Ассалааму ʔалайкум ва роҳматуллоох”, деб салом беради. Шу тариқа икки ракатли бомдод намозининг суннати адо қилган бўлади.

Икки ракатли фарз ва нафл намозлар ҳам шу тартибда ўқилади.

Фарз намозини имомга эргашиб ўқийдиган киши ниятини қуйидагича қилади:

“Бомдод намозининг икки ракат фарзини қиблам бўлмиш Каъба тарафга юзланиб, холис Аллоҳ учун ушбу имомга эргашган ҳолда ўқишни ният қилдим”, дейди, сўнг “Аллооху акбар”, деб Сано дуосини ўқийди ва “Фотиҳа” ва зам сураларни ўқимасдан имомнинг қироатини эшитиб жим туради ҳамда рукуъ, саждалар ва саломда имомга эргашади. Тасбеҳлар, ташаххуд, салавотлар ва дуони ўзи ўқийди.

ПЕШИН НАМОЗИНИНГ ЎҚИЛИШ ТАРТИБИ

Пешин намози ўн ракатдан иборат: 4 ракат суннат, 4 ракат фарз, 2 ракат суннат.

Тўрт ракатли суннат намозининг ўқилиш тартиби:

1. Намоз вақти кириб, азон айтилгандан сўнг, намозга қуйидагича ният қилинади:

“Пешин намозининг тўрт ракат суннати қиблам бўлмиш Каъба тарафга юзланиб, холис Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим”.

Икки қўлнинг кафтини қиблага қаратиб, бармоқларни букмасдан, уларнинг орасини кенг очмасдан ва жипслаштирмасдан, ўз ҳолича қўйиб, бош бармоқларини қулоқларининг юмшоғи баробарига кўтариб, “Аллооху акбар”, деб такбир айтади.

2. Сўнг қўллар боғланади. Қиёмда сажда қилинадиган жойга қараб, сано дуосини ўқийди.

3. Санодан сўнг таъаввуз (**Аъузу биллааҳ...**)ни ва басмала (**Бисмиллааҳ...**)ни айтиб, “Фотиҳа” сурасини, сўнг бирор зам сура ўқийди.

4. Зам сурадан сўнг рукуъ ва икки марта сажда қилиб бўлгач, **“Аллооҳу акбар”**, деб иккинчи ракатга туради.

5. **“Бисмаллааҳ...”**ни айтиб, “Фотиҳа” сураси ва зам сура ўқийди.

6. Биринчи ракатдаги каби рукуъ ва сажда қилади. Сўнг қаъдада (ўтирганда) **“Ташаҳхуд”**ни ўқийди ва **“Аллооҳу акбар”**, деб учинчи ракатга туради.

7. Учинчи ракатда ҳам “Фотиҳа” ва зам сура ўқийди.

8. Такбир билан рукуъ қилади, сўнг икки марта сажда қилиб, такбир билан тўртинчи ракатга туради.

9. Тўртинчи ракатда ҳам “Фотиҳа” ва зам сура ўқийди.

10. Такбир билан рукуъ қилади, сўнг икки марта сажда қилади.

11. Такбир билан чап оёқ устига ўтиради, ўнг оёқ бармоқларини қиблага қаратиб, тиклаган ҳолда ташаҳхуд, салаотлар ва дуоларни ўқиб икки томонга салом беради.

Пешин намозининг тўрт ракат фарзи ҳам худди шу тартибда ўқилади. Фақат учинчи ва тўртинчи ракатларда “Фотиҳа” сурасидан сўнг зам сура ўқилмайди.

Пешин намозининг икки ракат суннати бомдод намозининг суннати каби ўқилади.

АСР НАМОЗИНИНГ ЎҚИЛИШ ТАРТИБИ

Аср намози тўрт ракат фарздан иборат бўлиб, ўқилиш тартиби пешин намозининг тўрт ракат фарзи каbidир. Ниятни қуйидагича қилади: ***“Аср намозининг тўрт ракат фарзини қиблам бўлмиш Каъба тарафга юзланиб, холис Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим”***.

ШОМ НАМОЗИНИНГ ЎҚИЛИШ ТАРТИБИ

Шом намози беш ракат бўлиб, 3 ракат фарз, 2 ракат суннатдир.

1. Шом намозининг уч ракат фарзига қуйидагича ният қилинади:

“Шом намозининг уч ракат фарзини қиблам бўлмиш Каъба тарафга юзланиб, холис Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим”.

2. Такбири таҳрима.

3. Сано.

4. Таъаввуз (**Аъуузу биллааҳ...**) ва басмала (**Бисмиллааҳ...**).
 5. **“Фотиҳа”** ва зам сура.
 6. Рукуъ.
 7. Сажда.
 8. Иккинчи ракатга туриб, **“Бисмиллааҳ...”**, **“Фотиҳа”** ва зам сура ўқийди.
 9. Рукуъ.
 10. Сажда.
 11. Қаъдада (ўтирганда) **“Ташаҳхуд”**ни ўқийди ва **“Аллооҳу акбар”** деб учинчи ракатга туради.
 12. Фақат **“Фотиҳа”** сурасини ўқийди.
 13. Рукуъ.
 14. Сажда.
 15. Охирги қаъдага ўтирган ҳолда ташаҳхуд, салавотлар ва дуоларни ўқиб икки томонга салом беради.
- Шом намозининг икки ракат суннати бомдод намозининг икки ракат суннати каби ўқилади.

ХУФТОН НАМОЗИНИНГ ЎҚИЛИШ ТАРТИБИ

Хуфтон намози тўрт ракат фарз, икки ракат суннат ва уч ракат витрдан иборат. Хуфтон намозининг тўрт ракат фарзи пешин намозининг тўрт ракат фарзи каби, икки ракат суннати эса бомдод намозининг икки ракат суннати каби ўқилади.

ВИТР НАМОЗИНИНГ ЎҚИЛИШ ТАРТИБИ

Витр намози уч ракат бўлиб, унинг вақти хуфтон намозидан кейин то субҳгача. Витр намози вожиб ибодат бўлиб, бирор сабаб ила ўқилмай қолса, қазоси ўқилади. Витрнинг барча ракатида **“Фотиҳа”** сураси ва зам сура ўқилади. Биринчи ракатда **“Фотиҳа”** сурасидан кейин **“Аъло”** сураси, иккинчи ракатда **“Кафирун”** сураси, учинчи ракатда **“Ихлос”** сурасини ўқиш суннат.

Учинчи ракатда зам сурадан сўнг **“Аллооҳу акбар”**, деб қўлларини кулоқ юмшоғи баробарича кўтаради ва яна қайта боғлаган ҳолда **“Қунут”** дуосини ўқийди. **“Қунут”** дуоси қуйидагича:

اَللّٰهُمَّ اِنَّا نَسْتَغِيْنُكَ وَنَسْتَغْفِرُكَ، وَنُؤْمِنُ بِكَ وَنَتَوَكَّلُ عَلَيْكَ، وَنُثْنِيْ عَلَيْكَ الْخَيْرَ، نَشْكُرُكَ وَلَا نَكْفُرُكَ، وَنَخْلَعُ وَنَتْرُكُ مَنْ يَفْجُرُكَ، اَللّٰهُمَّ اِيَّاكَ نَعْبُدُ، وَلَكَ نُصَلِّيْ وَنَسْجُدُ، وَاِلَيْكَ نَسْعٰى وَنَحْفِدُ، نَرْجُو رَحْمَتَكَ، وَنَخْشٰى عَذَابَكَ، اِنَّ عَذَابَكَ بِالْكَفّٰرِ مُلْحِقٌ.

“Аллоохумма иннаа настаъиинука ва настағфирука, ва нуьмину бика ва натаваккалу ъалайка, ва нуснии ъалайкал-хоййр. Нашкурука ва лаа накфурук. Ва нахлаъу ва натруку май-йафжурук. Аллоохумма иййаака наъбуду ва лака нусоллий ва нусжуд. Ва илайка насъаа ва нахфид. Наржуу роҳматака ва нахшаа ъазаабак. Инна ъазаабака бил-куффаари мулҳик”.

Маъноси: “Аллоҳим! Албатта Сенинг ёрдам беришингни, гуноҳларни кечишингни сўраймиз. Сенга иймон келтирамиз ва Сенга таваккал қиламиз. Яхшиликларнинг барчаси билан Сени мадҳ қиламиз. Сенга шукр қиламиз, ношукрлик қилмаймиз. Сенга фожирлик қилганлардан четлашамиз. Аллоҳим! Сенга ибодат, намоз, сажда этамиз. Ва Сенинг йўлингда саъй-ҳаракат қилиб, раҳматингни умид қиламиз. Азобингдан кўрқамиз. Албатта, ҳақ азобинг кофирларга етгувчидир”.

“Аллооҳу акбар” деб рукуъга боради ва икки марта сажда қилади. Қаъдада ўтирган ҳолда ташахҳуд, салавотлар ва дуоларни ўқиб икки томонга салом беради.

Изоҳ. Агар Қунут дуосини ўқишни унутиб рукуъ қилиб қўйса, уни ўқиш учун яна орқага қайтмайди ва рукуъда ҳам ўқимайди, балки намозини давом эттириб, охирида ўнг томонига салом бергач, саҳв (унутганлик) саждаларини бажаради.

НАМОЗДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ЗИКР ВА ДУОЛАР

Намоздан сўнг уч марта: “Астағфируллоох” (Аллоҳдан истиғфор сўрайман), бир марта: “Аллоохумма антас-салаам ва минкас-салаам, табаарокта йаа зал-жалаали вал-икроом” (Аллоҳим! Сен Саломсан, Салом ҳам Сендандир. Сен мубораксан, эй, улуғворлик ва икром соҳиби!).

Сўнг Оятул-Курсий ўқилади:

اَللّٰهُ لَا اِلٰهَ اِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّوْمُ لَا تَاْخُذُهٗ سِنَةٌ وَّلَا نَوْمٌ لَّهٗ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْاَرْضِ مَن ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهٗٓ اِلَّا بِاِذْنِهٖۚ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ اَيْدِيْهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ ۗ وَلَا

يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِۦٓ إِلَّا بِمَا شَاءَ ۚ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضَ ۖ وَلَا يَـُٔودُهُ
حِفْظُهُمَا ۚ وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

“Аллооҳу лаа илааҳа иллаа ҳувал-ҳаййул-Қоййуум, лаа таъхузуҳуу синатув-валаа наввм, лаҳуу маа фис-самааваати ва маа фил-ардз. Манзаллазии яшфаъу ʼиндахуу иллаа би-изних. Йаъламу маа байна айдинихим ва маа холфаҳум. Валаа йухиитууна бишайъим мин ʼилмиҳии иллаа бимаа шаааъ, васиъа курсиййухус-самааваати вал-ардз. Валаа йауудухуу ҳифзуҳумаа ваҳувал-ъалиййул ʼазим”.

Маъноси: Аллоҳ - Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) ҳамиша Барҳаёт ва абадий Турувчидир. Уни на мудроқ тутар ва на уйқу. Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Уникидир. (Қиёмат кун) Унинг ҳузурида ким ҳам (гуноҳкорларни) Унинг рухсатисиз шафоъат қила оларди?! (У) улардан (одамлардан) олдинги ва кейинги нарсаларни билур. (Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаган миқдорича ўзлаштирурлар. Унинг Курсийси осмонлар ва Ерни (ҳам) ўз ичига сиздира олур. У иккисини муҳофаза этиш Уни толиқтирмас. У Олий ва Буюкдир.

Сўнгра 33 марта “Субҳааналлоох”, 33 марта “Алҳамду лиллаах”, 33 марта “Аллооҳу акбар” деб, охирида “Лаа илааҳа иллаллооҳу ваҳдаҳуу лаа шарикка лаҳуу, лаҳул-мулку валаҳул-ҳамду ваҳува ʼалаа кулли шайъин қодиир”, деб тасбеҳларни юзтага етказади. Охирида қўллари кўтариб, ўзи ва барча мусулмонларнинг ҳақиға қуйидагича дуо қилади:

“Аллооҳумма тақоббал миннаа ҳаазиҳис-солаатал-фардзи маъас-суннати, маъа жамииъи нуқсоонаатиҳаа бифадзлика ва каромик. Валаа тадзриб-биҳаа вужууҳанаа йаа илааҳал-ʼааламин, ва йаа хойрон-наасирийн. Тавафّفанаа муслимиина ва алҳиқнаа бис-солиҳийн ва соллаллоҳу таъаалаа ʼалаа хойри холқиҳи Муҳаммадив-ва ʼалаа аалиҳи ва асҳабиҳи ажмаъийн”.

Маъноси: “Эй, Раббим! Биздан бу ўқилган фарз намозини суннатлари билан, барча камчиликлари билан фазлинг ва караминг ила даргоҳингда қабул қил. Эй, ёрдам берувчиларнинг энг яхшиси бўлган Зот! Бу ўқилган намозларни (қиёмат кунда) юзларимизга урмагин. Бизларни мусулмон ҳолда вафот эттиргин. Бизни солиҳ кишиларга эргаштиргин. Халқнинг энг яхшиси бўлган Муҳаммадга, у зотнинг оила аҳлига ва асҳобларига Аллоҳнинг салават ва салом бўлсин”.

ЖАМОАТ НАМОЗИ

Фарз намозларини жамоат билан ўқиш суннат бўлиб, якка ўқилган намознинг ажридан йигирма етти даража баланд.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Жамоат намози ёлғиз (ўқилган) намоздан, йигирма етти даража ортиқдир”, дедилар.* (Бухорий ривояти).

ИМОМЛИК ВА ЖАМОАТ ШАРТЛАРИ

1. Балоғатга етган бўлиши. Балоғатга етган кишининг ёш болага иқтидо қилиши дуруст эмас.

2. Эркак киши бўлиши. Аёлнинг эркакка имомлик қилиши дуруст эмас.

3. Имомнинг қироати намозни бузмайдиган даражада тажвидли бўлиши.

4. Пешоб томиб туриши, ел чиқиб туриши, доимий қон оқиб туриши каби узрли ҳолатлардан саломат бўлиши.

5. Имомга иқтидо қилувчи сафда имомдан олдинга ўтиб кетмаслиги.

6. Имомнинг ҳолати иқтидо қилувчининг ҳолати билан мувофиқ бўлиши. Олимнинг омига, қироати тажвидли кишининг қироати тажвидсиз кишига, бир фарзни ўқийдиган киши бошқа фарз ёки нафлни ўқиётганга кишига, рукуъ, саждага қодир бўлган киши имо-ишора билан ўқувчига иқтидо қилиши дуруст эмас.

ИМОМГА ИҚТИДО ҚИЛИШ

Киши жамоатга келганда имом фарз намозини ўқиётган бўлса, унга иқтидо қилади, сўнгра фарздан олдинги ўқилмаган суннатни ўқийди. Кейин эса фарздан кейинги суннатни адо этади. Аммо бомдод намозида имом фарзни бошлаган бўлса, суннатни ўқимаган киши суннатни ўқиб, имом салом беришидан олдин етиб олишига кўзи етса, суннатни ўқиб, кейин имомга иқтидо қилади. Бироқ суннатни ўқиса-ю, жамоат намозига етиб олишига кўзи етмаса, суннатни тарк қилиб, имомга иқтидо қилади. Агар бомдоднинг суннати ўқилмай қолса, унинг қазоси ўқилмайди. Бомдоднинг фарзидан кейин намоз ўқиш макруҳ. Аммо бомдоднинг фарзи билан суннати қазо бўлса, куёш найза бўйи кўтарилгач пешин вақтигача фарздан олдинги суннاتининг қазосини ҳам ўқийди.

Агар ўзи ёлғиз бомдод каби икки ёки шом каби уч ракатли намозга киришганда жамоат намозига такбир айтилса, биринчи ракатни ўқиб,

иккинчи ракатга сажда қилмаган бўлса, намозини бузиб имомга иқтидо қилади. Аммо иккинчи ракатни ҳам сажда қилиш билан ўқиган бўлса, намозини бузмайди, балки ёлғиз охирига етказди.

Агар ёлғиз ўқувчининг намози тўрт ракатли бўлса, биринчи ракат саждасини қилмаган бўлса, намозини бузиб, имомга иқтидо қилади, агар биринчи ракат саждасини қилган бўлса, иккинчи ракатни ҳам адо қилиб, салом беради ва жамоатга қўшилади.

Агар икки ракатни ҳам тугатиб, учинчи ракатга турган бўлса, тик турган ҳолида салом бериб, намозини тўхтатади ва жамоатга эргашади. Агар учинчи ракат саждасини ҳам адо қилган бўлса, намозини тугатади, сўнгра жамоатга эргашади. Агар жума намозининг суннатини бошлаган бўлса, имом хутба учун минбарга кўтарилса, у намозни бузмайди, балки, кироатни енгилроқ қилиб тугатади.

ИМОМГА ИҚТИДО ҚИЛУВЧИНИНГ ҲОЛАТЛАРИ

Имомга иқтидо қилувчи икки хил ҳолатда бўлади, **мудрик** ва **масбук**:

1. Мудрик – имом билан биргаликда ҳамма ракатларни тўлиқ ўқиган киши. Унинг намози имомнинг намози тугаши билан тамом бўлади.

2. Масбук – имомга иқтидо қилишда кеч қолган киши. Масбук имомни рукуъ ҳолида топса, такбири таҳримани тик туриб айтади ва рукуъ қилади. Агар имом рукуъдан туриб кетмасдан унга етиб олса, у ўша ракатни топган бўлади, гарчи қиём ва кироатга ета олмаган бўлса ҳам.

Агар имомга рукуъ қилган ҳолида ета олмаса, тик турган ҳолида такбири таҳримани айтади, сўнг имом қандай ҳолда бўлса ҳам, унга эргашади. Имом намозини тугатиб салом бергач, масбук ўрнидан туриб, ўтказиб юборган ракатларини охирига етказди. Масбук ета олмаган биринчи ва иккинчи ракатларида Фотиҳа сурасидан кейин бирор сурани зам қилади. Чунки у зам сурали ракатларни топа олмаган эди.

Масбук имомга иқтидо қилганда ҳеч нарсани ўқимайди, балки такбирлар, сажда ва рукуъдаги тасбеҳларни айтади. Имомнинг саломидан кейин ўрнидан туриб, қолган ракатларда ёлғиз ўқувчи каби махфий ҳолда кироат қилади.

Агар имомга эргашувчи киши битта бўлса, имомнинг ўнг томонида унинг товонига ўзининг оёқ учини баробар қилиб туради, аёл киши имомнинг бир саф орқасидан иқтидо қилади. Балоғатга етмаган бола ҳам эркак кишининг мисолида. Агар жамоатда эркаклар, гўдаклар ва аёллар бўлса, имом орқасидан аввал эркаклар, кейин балоғатга етмаган ёш болалар, сўнгра аёллар сафга туришади. Агар гўдак ёлғиз бўлса, эркаклар уни ўз ораларига оладилар.

МАСЖИД ОДОБЛАРИ

1. Масжидга ўнг оёқ билан кириб, чап оёқ билан чиқиш.

2. Кириш-чиқишда суннатда келган дуоларни ўқиш.

Масжидга кираётганда ўқиладиган дуо:

“Бисмиллааҳи, вассолаату вассалааму ъалаа Росуулиллааҳи. Аллоохуммафтаҳ лии абвааба роҳматик”.

Маъноси: *“Аллоҳнинг исми билан бошлайман. Расулуллоҳга салавоту саломлар бўлсин. Аллоҳим, менга раҳмат эшикларингни очгин”.*

Масжиддан чиқаётганда ўқиладиган дуо:

“Бисмиллааҳи, вассолаату вассааламу ъалаа Росуулиллааҳи. Аллоохумма инний асьалука мин фадзлик”.

Маъноси: *“Аллоҳнинг исми билан бошлайман. Расулуллоҳга салавоту саломлар бўлсин. Аллоҳим, мен Сендан фазлингни сўрайман”.*

3. Масжидга кирганда ўтиришдан аввал икки ракат **“Таҳиййатул-масжид”** намозини ўқиш.

4. Масжидга таҳоратли ҳолда кириш.

5. Имом одамларга масжидда ваъз-иршод қилиб, уларга таълим бераётган бўлса, овозини кўтармаслик.

6. Хутба ўқилаётганда тинглаш.

7. Намозхонларнинг елкаларидан ошиб, олдинги сафга ёриб ўтмаслик.

8. Покликка риоя қилиш.

9. Масжидга пиёз, саримсоқ, нос, сигарет каби нохуш ҳидли нарсаларни истеъмол қилиб, бадбўй ҳид билан кирмаслик.

10. Масжидда тавозеъ билан юриш. Жамоатга ёки бирор ракатга кеч қолаётган бўлса ҳам, шошилмасдан секин-асталик билан жамоатга келиб қўшилиш.

МАСЖИДДА БАЖАРИЛИШИ МАКРУҲ БЎЛГАН АМАЛЛАР

1. Ухлаш.

2. Тиланчилик қилиш.

3. Овқатланиш.

4. Зикр-тасбеҳларда овозни кўтариб намозхонларга ҳалал бериш.

5. Дунёвий сўзларни сўзлаш.

6. Олди-сотди қилиш.

7. Тупуриш ва бурун қоқиш.

8. Йўқолган нарсани эълон қилиш.

НАФЛ НАМОЗИ

Кишининг ўз ихтиёри билан фарзга қўшимча тарзда ўқийдиган намозлари **“Нафл намози”** дейилади. Бу намозларни адо этса, ажрга эришади. Бир салом билан кундузи тўрт, кечаси саккиз ракатдан зиёд нафл ўқиш макруҳ. Лекин иккисида ҳам афзали тўрт ракат.

Нафл намозлари икки хил бўлади:

- Беш вақт фарз намозларига тобе бўлган нафллар (булар фарзлардан олдин ёки кейин ўқиладиган намозлар бўлиб, улар **“Суннати равотиб”** дейилади. Равотиб суннатлар беш вақт фарз намозларига қўшиб ўқиладиган суннатлардир);

- Беш вақт намозлардан ташқари мустақил ўқиладиган намозлар.

МУСТАҚИЛ ТАРЗДА ЎҚИЛАДИГАН НАФЛ НАМОЗЛАРИ

Таҳорат ёки ғуслдан кейин ўқиладиган икки ракат намоз.

Сафарга чиқаётганда ва ундан қайтганда ўқиладиган икки ракат намоз.

Таҳиййатул-масжид – “масжид саломи” намози. Бу намозни икки ёки тўрт ракатдан ўқиш жоиз. Агар масжидга кирган киши жамоатнинг равотиб суннатларни ёки фарзни ўқиётганини кўрса, “Таҳиййатул-масжид” намозини шу суннат ёки фарзларга қўшиб ният қилади. Имом хутба ўқиётганда ва намоз ўқиш макруҳ вақтларда таҳиййатул-масжид намози ўқилмайди. Масжиди Ҳаромда эса таҳиййатул-масжид намози тавоф билан бўлади.

Зуҳо – чошгоҳ намози. Бу намознинг вақти қуёш бир найза бўйи кўтарилгандан заволгача давом этади. Зуҳо намози камида икки ракат ўқилади, афзали тўрт ракат ўқиш.

Аввобин намози. Шом намозининг суннатидан кейин 2 ракатдан 4 ёки 6 ракат ўқилади.

Таҳажжуд намози. Бу камида икки ракат, кўпида эса хоҳлаганча ўқилади. Нафл намозларининг энг афзали таҳажжуд намозидир. Бу намоз тунда ўқилганлиги учун ихлосга яқин, риёдан узоқ бўлади. “Таҳажжуд” деб, хуфтондан сўнг ухлаб, кечанинг иккинчи ярмида бедор бўлишга айтилади.

Истихора намози. Яхшилик сўраб, ўқиладиган намоз. Икки ракат намоз ўқилгандан сўнг ушбу “Истихора дуоси” ўқилади:

اَللّٰهُمَّ اِنِّىْ اَسْتَخِيْرُكَ بِعِلْمِكَ، وَاسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ، وَاسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيْمِ، فَاِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا اَقْدِرُ، وَتَعْلَمُ وَلَا اَعْلَمُ، وَاَنْتَ عَلَامُ الْغُيُوْبِ. اَللّٰهُمَّ اِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ اَنَّ هَذَا الْاَمْرَ خَيْرٌ لِّىْ فِيْ دِيْنِيْ وَمَعَاشِيْ وَعَاقِبَةِ اَمْرِيْ فَاقْدُرْهُ لِيْ، وَيَسِّرْهُ لِيْ، ثُمَّ بَارِكْ لِيْ فِيْهِ، وَاِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ اَنَّ هَذَا الْاَمْرَ شَرٌّ لِّىْ فِيْ دِيْنِيْ وَمَعَاشِيْ وَعَاقِبَةِ اَمْرِيْ فَاصْرِفْهُ عَنِّيْ، وَاصْرِفْنِيْ عَنْهُ، وَاقْدِرْ لِيْ الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ، ثُمَّ رَضِّنِيْ بِهِ.

“Аллоохумма иннии астахиирука биъилмика ва астақдирука биқудротика, ва асьалука мин фадзликал-ъазиим. Фаиннака тақдиру ва лаа ақдиру, ва таъламу ва лаа аъламу, ва анта ъаллаамул-ғуйууб. Аллоохумма ин кунта таъламу анна ҳаазал-амро хойрун лии фии диинии ва маъашии ва ъаақибати амрии, фақдурху лии ва йассирху лии, сумма баарик лии фиихи, ва ин кунта таъламу анна ҳаазал-амро шаррун лии фии диинии ва маъашии ва ъаақибати амрии фасрифху ъаннии вақдур лийал-хойро хайсу каана, сумма розинии бих” ва ҳожатини айтади.

Маъноси: “Аллоҳим! Сенинг илминг билан Сендан яхшилик сўрайман. Сенинг қудратинг билан Сендан қодирлик ва улуг фазлингни сўрайман. Сен (ҳар нарсаса) қодирсан, мен қодир эмасман. Сен (ҳар нарсани) билувчисан, мен билмайман. Сен гайбни билувчисан. Аллоҳим! Агар мана шу иш (ҳожатининг номини айтади) динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун яхши бўлса, уни менга насиб эт ва осон қил. Сўнг уни менга барокотли қил. Агар мана шу иш (ҳожатининг номини айтади) динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун ёмон бўлса, мендан уни узоқлаштир, мен учун яхшиликни қаерда бўлса ҳам тақдир қил ва мени ундан рози эт”. (Бухорий ривояти).

Дуодаги “мана шу иш” деган жойига келганда ўз ҳожатини зикр қилади, сўнгра ўша ишни қилиш ёки қилмаслик тўғрисида кўнгли мойил бўлган томонга ҳаракат қилади. Ушбу дуони ўз тилида айтса ҳам бўлади.

Ҳожат намози. Бу намоз ҳам икки ракат бўлиб, намоздан фориг бўлгач, ушбу дуони ўқийди:

لَا اِلٰهَ اِلَّا اللهُ الْحَلِيْمُ الْكَرِيْمُ، سُبْحَانَ اللهِ رَبِّ الْعَرْشِ الْكَرِيْمِ، الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِيْنَ، اَسْأَلُكَ مُوْجِبَاتِ رَحْمَتِكَ، وَعَزَائِمَ مَغْفِرَتِكَ، وَالْغَنِيْمَةَ مِنْ كُلِّ بَرٍّ، وَالسَّلَامَةَ مِنْ كُلِّ اِثْمٍ، لَا تَدْعُ لِيْ ذَنْبًا اِلَّا غَفَرْتَهُ، وَلَا هَمًّا اِلَّا فَرَجْتَهُ، وَلَا حَاجَةً هِيَ لَكَ رِضًا اِلَّا قَضَيْتَهَا يَا اَرْحَمَ الرَّاحِمِيْنَ.

“Лаа илааха иллаллоохул-халиимул-кариим. Субҳааналлоохи Роббил-ъаршил-кариим. Алхамду лиллаахи роббил-ъааламин. Асьалука муужиббаати роҳматика ва ъазаима мағфиротика, вал-ғониймата мин кулли биррин, вассаламата мин кулли исмин, лаа тадаъ лий занбан иллаа ғофартах, ва лаа ҳамман иллаа фаррожтах, ва лаа ҳаажатан ҳийа лака ризон иллаа қозойтахаа, йаа арҳамар рооҳимийн”.

Маъноси: *“Ҳалим ва Карим сифатли Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Улуғ Арш Раббиси Аллоҳни поклаб ёд этаман. Оламлар Раббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин. Раҳматингга мустаҳиқ бўладиган нарсани, мағфиратингни вожиб қиладиган нарсани, ҳар бир яхшиликда ганиматни ва ҳар бир гуноҳдан саломат бўлишни сўрайман. Менда бирор гуноҳ қолдирмасдан мағфират қилишингни, бирор гам қолдирмасдан кетказишингни ва Ўзинг рози бўладиган бирор ҳожат қолдирмасдан раво қилишингни сўрайман, эй раҳм қилгувчиларнинг Раҳмлиси”.*

НАМОЗ ВАҚТЛАРИ

Намознинг дуруст бўлиш шартларида бири – вақт. Вақтидан олдин ҳам, кейин ҳам ўқилган намоз дуруст бўлмайди.

Бомдод намозининг вақти – субҳи содиқдан бошланиб, қуёш чиққунга қадар.

Пешин намозининг вақти – қуёш заволга келишидан бошланиб, ҳар бир нарсанинг сояси икки баробарига етгунига қадар. Бунда нарсаларнинг ўзини асл соясидан ташқариси ҳисобга олинади.

Аср намозининг вақти – пешин вақти чиққанидан бошланиб, қуёш ботгунига қадар.

Шом намозининг вақти – қуёш ботганидан бошланиб, қизил шафақ йўқолгунга қадар.

Хуфтон намозининг вақти – шафақ йўқолганидан бошланиб, субҳи содиққа қадар.

НАМОЗ ЎҚИШ МАКРУҲ БЎЛГАН ВАҚТЛАР

1. Тонг отгандан то қуёш чиқиб, бир найза миқдори кўтарилгунича.
2. Қуёш тиккага келгандан то заволга оққунча вақт оралиғида.
3. Аср намозидан то шом намозини ўқиб бўлгунга қадар.
6. Имом хутба ўқиш учун минбарга чиққан вақтда.
7. Масжидда ҳайит намозидан олдин ҳам, кейин ҳам нафл намоз ўқиш макруҳ.

8. Фарз намозларидан бирортасининг вақти тор бўлиб қолган бўлса ҳам, нафлларни ўқиш макруҳ.

НАМОЗНИ ЎҚИШ ЖОИЗ БЎЛМАГАН ВАҚТЛАР

Қуйидаги уч вақтда барча намозларни ўқиш ҳаром:

1. Қуёш чиқаётганда.
2. Қуёш тиккага келганда.
3. Қуёш ботаётганда. Лекин ўша куннинг аср намози ўқилмаган бўлса, у қуёшнинг ярми ботган бўлса ҳам, ўқиб олинади.

СУТРА

“Сутра” – намозхоннинг олдидан бирор нарса ўтмаслиги учун қўйиладиган тўсиқ бўлиб, бунга масжид устунни, қиблага қараб ўтирган киши ёки узунлиги камида бир зироъ (*тахминан 58 см*) узунликдаги, йўғонлиги камида бармоқдек бўлган таёқ, найза, ҳасса каби нарсалар киради. Очик жойда намоз ўқиётганда кесиб ўтувчилар гуноҳкор бўлиб қолмаслиги учун намоз ўқувчи сутрани сажда қиладиган жойдан олдинроққа тик қилиб қўяди. Кичик масжидларда намоз ўқиётган кишининг олдидан ўтиш ёки катта масжидларда ҳамда очик жойда сутра қўймасдан намоз ўқиётган киши у саждага қараб турганда нигоҳи тушадиган масофадан ўтиш гуноҳ.

عَنْ أَبِي جُهَيْمٍ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَوْ يَعْلَمُ الْمَارُّ بَيْنَ يَدَيِ الْمُصَلِّي مَاذَا عَلَيْهِ لَكَانَ أَنْ يَقِفَ أَرْبَعِينَ خَيْرًا لَهُ مِنْ أَنْ يَمُرَّ بَيْنَ يَدَيْهِ قَالَ أَبُو النَّضْرِ: لَا أَدْرِي أَقَالَ أَرْبَعِينَ يَوْمًا أَوْ شَهْرًا أَوْ سَنَةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Абу Жухайм Ансорий розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Намоз ўқувчи олдидан кесиб ўтадиган кимса қанчалик гуноҳкор бўлишини билганида, албатта, унинг олдидан ўтишдан кўра қирқ (муддат) тўхтаб туриши ўзи учун яхши бўларди”. Абу Назр шундай деган: “Қирқ кун ёки қирқ ой ёхуд қирқ йил, дедиларми, билмайман”. (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилган).

Сутрани намозхон яқинига, икки қошининг тўғрисида қўяди. Имомнинг сутраси қавмга ҳам кифоя қилади. Расулуллоҳ Маккада шундай қилганлар. Сутра қадалади, ташланмайди. Агар тўсиқ бўлмаса ё тўсиқ билан намозхон ўртасидан ўтса уни ишора билан қайтаради.

Сутра Ҳанафий мазҳабида мандуб амаллардан ҳисобланади.

ТАРОВЕҲ НАМОЗИ

“Таровеҳ” луғатда “ором олдириш”, “дам бериш” маъноларида келган “тарвиҳа” сўзининг кўплик шаклидир. Истилоҳда – Рамазон ойида хуфтоннинг суннати ва витр намози ўртасида ўқиладиган намозга нисбатан ишлатилади. Намознинг ҳар тўрт ракатида тўхтаб, дам олингани учун “таровеҳ” деб ном берилган.

Таровеҳ намози йигирма ракат бўлиб, эркак ва аёлларга суннати муаккададир. Жамоат билан ўқиш эса суннати кифоядир.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рамазон ойи масжидга чиқиб, таровеҳни ўқиганларида, одамлар масжидда кун сайин кўпайди. Учинчи кун масжидга одам сиғмай қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан саккиз ракат намоз ўқидилар, қолган ракатларни хужраларига кириб ўқидилар. Одамлар ҳам қолган ракатларни уйларида адо қилишди. Шундан сўнг расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматга фарз бўлиб қолишидан кўрқиб таровеҳга чиқмадилар. У зотнинг вафотларидан кейин таровеҳ намозининг фарз бўлиб қолиш хавфи кетгач, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Масжиди Набавийда йигирма ракат таровеҳ намозини Убай бин Каъб имомлигида жамоат билан ўқишни йўлга қўйдилар. Баъзи саҳобалар: **“Бу бидъатку. Сиздан олдин Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳам қилмаганлар”**, дейишди. Шунда Умар розияллоҳу анҳу: **“Қандай ҳам яхши бидъат-а? Пайғамбар алайҳиссалом: “Ким исломда хайрли ишни жорий қилса, унга бу ишнинг ажри ва шу ишни қилганларнинг ҳам ажри берилур...” деб марҳамат қилганлар”,** – дедилар.

Таровеҳ намози иккинчи халифа Умар розияллоҳу анҳу даврларидан бошлаб ҳозиргача йигирма ракат ўқиб келинмоқда.

Таровеҳ намози икки ракатдан ўқилади, ҳар тўрт ракат ўқилгач, бир оз истироҳат учун ўтирилади ва тасбеҳ айтилади. “Таровеҳ (истироҳат) намози”, деб номланишининг сабаби ҳам шунда.

Бизнинг диёрларда қуйидаги каби тасбеҳларни айтиш одат бўлган:

سُبْحَانَ ذِي الْمَلِكِ وَالْمَلَكُوتِ، سُبْحَانَ ذِي الْعِزَّةِ وَالْعَظَمَةِ وَالْقُدْرَةِ وَالْكِبَرِيَاءِ وَالْجَبَرُوتِ،
سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ، سُبُّوحٌ قُدُّوسٌ رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ
نَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، نَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ وَنَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ.

“Субҳаана зил-мулки вал-малакуут. Субҳаана зил-ъиззати вал-ъазомати вал-қудроти вал-кибрийааи вал-жабаруут. Субҳаанал-маликил-хаййиллазии лаа йамуут. Суббуухун-қуддуусур-Роббунаа ва

Роббул-малааикати вар-руух. Лаа илааха иллаллооху настағфируллоох. Насъалукал-жанната ва наъуузу бика минан-наар”.

Таровех намозларида Қуръони каримни бир марта хатм қилиш ҳам рамазон ойидаги суннат амаллардан.

МУСОФИРНИНГ НАМОЗИ

Сафарда пешин, аср ва хуфтон каби тўрт ракатли фарз намозлар икки ракат қилиб ўқилади. Бомдод, шом ва витр намозлари ҳамда суннатлар тўлиқ ўқилади. Агар мусофир йўл юриб турган бўлса, вақти тигиз, шароит йўқлиги учун суннатларни ўқимаслиги афзал. Шунда ҳам бомдоднинг суннати тарк қилмай ўқийди. Агар мусофир бир манзилга келиб тушса, шароит етарли, вақт бемалол бўлса, суннатларни ўқиши афзал. Мусофир учун намозни қаср қилиш вожиб. Мабодо, тўлиқ қилиб ўқиса, гуноҳкор бўлади. Чунки, у қаъдаи охирдан кейинги саломни кечиктирган ҳисобланади. Агар ўртадаги қаъдани ташаххуд миқдорича ўтирмасдан, учинчи ва тўртинчи ракатни адо қилган бўлса, фарз намози ботил бўлиб, қайта ўқийди, чунки мусофирнинг иккинчи ракатдан кейин қаъдага ўтириши фарз эди.

ҚАСР ЎҚИШ ВОЖИБ БЎЛАДИГАН САФАР

Уч кунлик пиёда йўл юриш масофаси миқдорича сафарга чиққан кишига мусофир ҳукми берилади. Субҳдан то заволгача йўл юрса, бир кун йўл юрган ҳисобланади. Ушбу йўлни ўртача юриш билан босиб ўтиш эътиборга олинган. Ўртача юриш деганда, туя ва пиёда кишининг юриши эътиборга олинади. Бу масофа тахминан 86 километрни ташкил этади. Ушбу масофадан кам йўлга сафарга чиққан киши мусофир ҳисобланмайди. Агар ушбу сафар масофасини автомобилда ёки самолётда оз фурсатда босиб ўтса ҳам, намозларини қаср қилиб ўқиши вожиб.

Мусофир ўзи яшаб турган шаҳардаги уйнинг томлари, дарахтлари кўринмайдиган жойдан бошлаб намозларни қаср ўқий бошлайди.

Агар мусофир бир манзилга келиб, шу ерда кетма-кет ўн беш кун ёки ундан кўпроқ вақт туришни ният қилса, намозларини тўлиқ ўқийди. Аммо ўн беш кундан кам муддат туришни ният қилса, мусофир ҳукмида бўлади. Агар мусофир бир ерда ўн беш кундан камроқ туришни қасд қилса ёки қанча муддат шу ўринда туришини билмаса, бу киши ўша ерда бир неча йил яшаса ҳам, мусофир ҳисобланади. Намозларини қаср қилиб ўқийди.

ВАТАНИ АСЛИЙ ВА ВАТАНИ ИҚОМАТ

Ватани аслий. Инсон ўзи туғилиб ўсган ёки уйланиб, ўша жойдан ўзига ватан қилган ёки ўзи у ерда туғилмаган бўлса-да, доимий иш жойи бўлиб қолган манзилни ватани аслий, дейилади. Бир киши Фарғонада туғилиб ўсган бўлса, бу унинг ватани аслийси бўлади. У киши Тошкентга бориб, ўша ерда уйланса ёки бирор уй сотиб олиб доимий яшашни қасд қилса, бу ер унга ватани аслийга айланади. Қачонки у киши Тошкентдан Фарғонага сафар қилса ва ўн беш кундан кам туришни ният қилса, мусофир ҳисобланади. Чунки ватани аслийнинг ҳукмини кейинги ватан бекор қилади.

Ватани иқомат (турар жой ватани). Мусофир камида ўн беш кун туришни ният қилиб сафарга чиқса, у истиқомат қиладиган жой ватани иқомат дейилади.

ҚАЗО НАМОЗЛАРИ

Фарз намозларини ўз вақтида ўқиш қатъий лозим бўлиб, намознинг вақтини узрсиз ўтказиб юбориш катта гуноҳ ҳисобланади. Аммо баъзи узрлар сабаби билан намоз қазо бўлиши мумкин. Бу узр икки хил бўлади:

1. Қазоси ўқилмайдиган намозлар:

- Ҳайз ва нифос кўрган аёллар намозни тарк қиладилар, пок бўлгандан кейин ҳам қазо бўлган намозларини ўқимайдилар.

- Камида олти вақт намоз муддатида ҳушидан кетиб, ўзига келмаган киши ўзига келгач, қазо бўлган намозларини ўқимайди. Лекин бундан кам фурсатда ўзига келса, қазо бўлган намозларини ўқиши вожиб.

2. Қазоси ўқиладиган намозлар:

Ухлаб қолиш, эсидан чиқиш, ғафлатда қолиш, бошини қимирлата олмайдиган даражада касал бўлиш каби узрлар билан намоз ўз вақтида адо қилинмаса, унинг қазосини ўқиш вожиб бўлади. Нафл намозлар ўрнига қазоларни ўқиш афзал. Лекин суннати равоотибларни тарк қилмаган яхши.

ХАСТА КИШИНИНГ НАМОЗИ

Касал кишига агар тоқати кўтарса, намозни тик туриб адо қилади. Аммо қиёмда туришдан ожиз бўлса ёки касали кучайиб кетиши хавфи бўлса, ё шифонинг кечикишига шу қиём туриши сабаб бўлса, ўтириб ўқийди. Лекин рукуъ ва саждаларни тўлиқ қилади. Агар рукуъ ва саждага ҳам қодир бўлмаса, худди ташаххудда ўтиргани каби чап оёғини тўшаб,

ўнг оёғини тик қилган ҳолда ўтиради. Бу энг афзалидир. Агар бунга ҳам қодир бўлмаса, хоҳлаган ҳолатда ўтиради ва рукуъ ҳамда саждаларни боши билан ишора қилади. Бунда рукуъ учун бошини биров, сажда учун кўпроқ эгади.

Саждага ожиз бўла туриб рукуъга қодир бўлса ҳам, ишора билан ўқийди. Агар сажда қилишга ожиз бўлса, ундан қиёмда туриш ҳам соқит бўлади.

Агар касал кишига ўтириш ҳам машаққат бўлса, у ўнг томон билан қиблага юзланган ҳолда ёнбошлаб ётади. Унга ҳам қодир бўлмаса, чалқанча ётиб, оёқларини қибла томонга узатади. Бошни бир оз кўтариш учун орқага ёстиқ қўйилади. Шу ҳолда имо-ишора қилиб намозини ўқийди. Агар бундай туришга ҳам қодир бўлмаса, ўзига қулай бўлган суратда ишора билан намозини ўқийди. Ишора фақат бош билан қилинади. Агар бошини қимирлата олмай қолса, кўз ёки қош билан ишора қилмайди. Ушбу ҳолда намозни кечиктиради ва соғайгандан кейин қазосини ўқийди. Агар шу ҳолатда камида олти вақт намозни ўқий олмаган бўлса, соғайгач, уларнинг қазосини ҳам ўқимайди. Чунки у бу ҳолатда ҳушидан кетганнинг ҳукмида бўлади.

ЖУМА НАМОЗИ

Жума намози фарзи айн бўлиб, икки ракатдан иборат. Жума намозининг вақти пешиннинг вақтидир. Жума намозининг фарзидан аввал тўрт ракат, кейин ҳам тўрт ракат намоз ўқиш суннати муаккададир.

Жума намозининг фарз бўлиш шартлари:

1. Балоғатга етган эр киши бўлиши.
2. Ҳур – озод бўлиш.
3. Соғлом бўлиш.
4. Муқим бўлиш.
5. Кўзи ожиз бўмаслик.
6. Ҳеч қандай тўсиққа дуч келмаган бўлиш.

Жума намозини ўқиш вожиб бўлмаган киши пешин намозини ўқийди.

ЖУМА НАМОЗИНИНГ ДУРУСТ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

1. Шаҳарда ўқилиши.
2. Барча учун рухсат берилган жомеъ масжид бўлиши.
3. Имом бўлиши.
4. Жамоат бўлиши.
5. Пешин вақтининг кириши.
6. Хутба ўқиш.

ЖУМА НАМОЗИНИНГ СУННАТ ВА ОДОБЛАРИ

1. Ғусл қилиш, хушбўйланиб, энг чиройли ва покиза кийим кийиш.
2. Жумага эртароқ бориш.
3. Жума куни Каҳф сурасини ўқиш.
4. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга салавот ва саломни кўп айтиш.

ЖУМА КУНИ МАКРУҲ БЎЛГАН АМАЛЛАР

1. Ўтирган одамларнинг елкаларидан ошиб олдинга ўтиш.
2. Хутба ўқиладиган вақтда гапириш, саломга алик олиш, аксага жавоб кайтариш.
3. Хутба вақтида намоз ўқиш.

ИККИ ҲАЙИТ НАМОЗИ ВА УЛАРНИНГ ШАРТЛАРИ

Рамазон ва Қурбон ҳайити намозларининг ҳукми вожиб бўлиб, шарти жума намозининг шарти кабидир. Фақат иккита амалда жума намозидан фарқ қилади:

- Ҳайит намозларида хутба ўқиш суннат.
- Ҳайит намозларида хутба намоздан кейин ўқилади. Хутба ўқишдан олдин имомнинг бир оз ўтириши макруҳ. Аммо жума намози хутбасини бошлашдан олдин унинг бир оз ўтириши суннат.

Имом Рамазон ҳайити намозининг хутбасида намозхонларга фитр садақаси ҳукмлари ҳақида, Қурбон ҳайитида эса қурбонлик, такбири ташриқ ҳукмлари ҳақида маълумот беради.

ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИНИНГ ЎҚИЛИШ ТАРТИБИ

Ҳайит намозлари икки ракатдан иборат бўлиб, масжидда жамоат билан биргаликда ўқилади. Бу намозларга азон, такбир айтилмайди, балки бир киши “**Жамоат намозига**” деб нидо қилади. Имом намозда қироатни жаҳрий қилади. Ҳар бир ракатда уч марта такбир айтиш вожиб. Бу такбирлар “**Такбироту завоид**” дейилади. Намознинг ўқилиши қуйидагича:

Имом Рамазон ёки Қурбон ҳайити намозини ният қилади, қўлларини кулоқ баробари кўтариб, такбири таҳрима билан намозга киришади. Иқтидо қилувчилар ҳам намозни ният қилиб такбири таҳрима билан унга эргашадилар. Бошқа намозлардаги каби қўллар боғланиб, киндик остига

қўйилади, имом ҳам иқтидо қилувчилар ҳам сано дуосини махфий ўқийдилар. Сўнгра имом уч марта “Аллооҳу акбар” деб такбирни жаҳрий айтади (имомга эргашувчилар махфий айтадилар) ва қўлларини кулоқлари баробаригача кўтарадилар, ҳар такбир орасида қўлларини икки ёнларига туширади. Учинчи такбирдан сўнг қўлларни боғлаб, жаҳрий қироат қилади. Кейин рукуъ ва сажда қилиб, иккинчи ракатга туради. “Фотиҳа” ва зам сурадан кейин, рукуъ қилишдан аввал яна уч марта “Такбироту завоид”ларни айтади. Тўртинчи такбир билан рукуъ ва сажда қилади. Қаъдада ташаҳҳуд, салавот ва дуолар ўқиб салом беради.

Агар имомга эргашувчи имомга қиём ҳолатида етишиб, такбирларга ета олмаган бўлса, ўзи ёлғиз тик турган ҳолида такбир айтиб қўяди. Агар имомга бир ракат кечикиб етишган бўлса, у салом бергандан кейин туриб, ўзи қироат қилади, сўнгра “Такбироту завоид”ларни айтиб, қолдирган рукнларини адо қилади.

ТАКБИРИ ТАШРИҚЛАР

Зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни – Арафа кунининг бомдод вақтидан бошлаб, ҳайитнинг тўртинчи куни аср намозигача ҳар бир фарз намоздан сўнг такбири ташриқни айтиш вожиб. Машҳур такбир қуйидагича:

“Аллооҳу акбар, Аллооҳу акбар, лаа илааҳа иллаллооҳу валлооҳу акбар, Аллооҳу акбар ва лиллааҳил-ҳамд”.

Ҳайит намозларининг вақти. Қуёш бир найза бўйи кўтарилгандан то қуёш тиккага келгунча бўлган вақтдир.

Ҳайит кунининг суннатлари. Ғусл қилиш, янги кийимларни кийиш, хушбўйланиш, Рамазон ҳайитида намозга чиқишдан олдин хурмо ёки бирор ширинлик ейиш, садақаи фитрни ҳайит намозидан олдин бериш. Қурбон ҳайитида эса ҳайит намози ўқилгунча ҳеч нарса емаслик, намозга бир йўлдан бориб, бошқасидан қайтиш.

ЖАНОЗА НАМОЗИ

Жаноза намози фарзи кифоя бўлиб, баъзи мусулмонларнинг бажариши билан бошқаларнинг зиммасидан соқит бўлади. Мусулмон киши вафот этса, уни ювиш, кафанлаш, жанозасини ўқиш, дафн қилиш фарзи кифоя бўлади.

Жанозани инсонларга эълон қилиш мустаҳаб. Марҳумни дафн қилишни тезлаштириш шариатда буюрилган амаллардан.

Маййитни ювиш. Маййитнинг барча баданини бир марта ювиш фарз.

Маййитни ювиш шартлари:

1. Маййит мусулмон бўлиши.
2. Ўлик ҳолда туғилмаган бўлиши.
3. Жасаднинг ярмидан кўпи мавжуд бўлиши.

Маййитни ғусл қилдириш одоблари:

Маййитнинг барча баданини уч марта ювиш суннат.

Маййитни баландроқ, сув тўпланмайдиган жойга қўйиш.

Сувга хушбўй нарсалар қўшиш.

Аввал таҳорат қилдириш. Лекин бунда ғарғара қилдириш ва бурунга сув тортиш тарк қилинади.

Ғассолнинг ишончли киши бўлиши.

Ғуслдан сўнг маййитнинг баданини қуритиш.

Маййитнинг соч-соқолларини тараш, мўйлов ёки тирноқларини олиш, туқларини юлиш макруҳ.

Кафанлаш. Кафаннинг тоза, оппоқ мато бўлиши маҳбуб.

Эркакларнинг кафани учта бўлади: 1. Қамис, 2. Изор, 3. Лифофа.

Қамис – бўйиндан оёқкача ўраладиган мато.

Изор – бош ва оёқ қўшиб ўраладиган мато.

Лифофа ҳам изор каби бўлади.

Аёлларга кўкракларини боғлаб қўйиш учун яна бир парча мато ва юзни тўсиш учун рўмол зиёда қилинади.

Жаноза намозининг шартлари.

Жаноза намозида маълум шарт ва рукнлар бўлиб, улар қуйидагича:

1. Таҳоратли бўлиш.
2. Кийим, бадан, жой пок бўлиши.
3. Қиблага юзланиш.
4. Маййит мусулмон бўлиши.
5. Маййит имомнинг олдида бўлиши.
6. Маййитнинг боши билан бирга баданининг ярмидан кўпи бўлиши.

Жаноза намозининг фарзлари.

1. Тўрт такбир айтиш. Имомга иқтидо қилган киши ҳам такбирларни ичида айтиши шарт.

2. Қиём.

Жаноза намозининг суннатлари.

1. Сано дуосини ўқиш.
2. Салаватларни ўқиш.
3. Марҳум учун дуо қилиш.

Жаноза намозининг ўқилиш тартиби.

Жаноза намозида азон, такбир, рукуъ ва саждалар бўлмайди. Имом маййитнинг кўкраги тўғрисида туради. Қолган намозхонлар эса

имомнинг орқасида саф тортадилар. Имом қўлларини кулоқлари баробари кўтариб: **“Аллооҳу акбар”**, дейди. Иқтидо қилганлар ҳам шундай қиладилар. Сўнг махфий ҳолда сано дуосини ўқийдилар ва имом иккинчи такбирни айтади. Кейинги такбирларда қўллар кўтарилмайди. Иккинчи такбирдан сўнг салавотлар ўқилади. Учинчи такбирдан сўнг маййит ҳаққига дуо ўқийди. Машҳур дуо қуйидагича:

اَللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِحَيِّنَا وَمَيِّتِنَا، وَشَاهِدِنَا وَغَائِبِنَا، وَصَغِيرِنَا وَكَبِيرِنَا، وَذَكَرْنَا وَأُنْثَانَا. اَللّٰهُمَّ مَنْ
اَحْيَيْتَهُ مِنَّا فَآخِزْهُ عَلٰى الْاِسْلَامِ، وَمَنْ تَوَفَّيْتَهُ مِنَّا فَتَوَفَّهُ عَلٰى الْاِيْمَانِ. اَللّٰهُمَّ اِنْ كَانَ مُحْسِنًا فَزِدْ
فِيْ اِحْسَانِهٖ، وَاِنْ كَانَ مُسِيئًا فَتَجَاوَزْ عَنْهُ.

“Аллоохуммағфир лиҳаййинаа ва маййитинаа, ва шааҳдинаа ва ғооибинаа, ва соғириинаа ва кабириинаа, ва закаринаа ва унсаанаа. Аллоохумма ман аҳйайтахуу миннаа фа-аҳйихи ьалал-ислаам, ва ман таваффайтахуу миннаа фатаваффахуу ьалал-иймаан. Аллоохумма ин каана муҳсинан фазид фии ихсааниҳи, ва ин каана мусиан фатажааваз ьанҳу”.

Маъноси: *“Аллоҳим! Тирик ва ўлигимизни, ҳозир ва гойибимизни, кичик ва каттамизни, эркак ва аёлимизни мағфират қил. Аллоҳим! Бизлардан кимни ҳаётда қолдирган бўлсанг, уни Исломда қил, бизлардан кимни ўлдирган бўлсанг, уни иймон билан вафот эттир. Аллоҳим! Агар яхши киши бўлса, яхшилигини зиёда қилгин. Агар ёмон киши бўлса, ёмонлигидан ўтгин”.*

Маййит балоғатга етмаган ўғил бола бўлса, қуйидаги дуони ўқийди:

“Аллоохуммажъалҳу ланаа фаротав-важъалҳу ланаа ажров-ва зухров-важъалҳу ланаа шаафиъам-мушаффаъан”.

Маъноси: *Аллоҳим! Бу болани жаннатда бизни қаршилаб олувчи ва охират армуғони қилгин. Аллоҳим! Бу болани биз учун шафоатчи қил ва шафоатини мақбул айла”.*

Маййит балоғатга етмаган қиз бола бўлса, қуйидагича дуо қилинади:

“Аллоохуммажъалҳаа ланаа фаротав-важъалҳаа ланаа ажров-ва зухров-важъалҳаа ланаа шаафиъатам-мушаффаъатан.”

Маъноси: *Аллоҳим! Шу қизни жаннатда бизни қаршилаб олувчи ва охират армуғони қилгин. Аллоҳим! Бу қизни биз учун шафоатчи қил ва шафоатини мақбул айла”.*

Кейин тўртинчи такбирни айтиб салом беради. Жаноза намозида қатнашаётганлар намозда бошларини биров кўтармайдилар.

Жаноза намозининг бошланишига улгурмаган киши жамоатга қўшилиб ифтитоҳ такбирини айтади ва имомга иқтидо қилади. Имом

салом бергандан кейин, тобут кўтарилмасдан аввал қолган такбирларни ўзи айтади.

Ўлик туғилган болага жаноза ўқилмайди. Бир исм қўйилиб ювилади ва матога ўраб кўмилади. Тирик туғилиб ўлган болага исм қўйилади ва ювилиб жанозаси ўқилади.

ҚИРҚ ФАРЗ

Ислом динида мукаллаф яъни, оқил, балоғатга етган ҳар бир эркак ва аёл билиши керак бўлган диний амаллар қирқта. Мусулмон киши бу фарзларни бажариб, қайтарилганларини бажармасликка буюрилган. Ушбу қирқ фарз қуйидагилар:

Исломда 5 та, иймонда 7 та, таҳоратда 4 та, ғуслда 3 та, таяммумда 4 та, намозда 12 та, илм олишда 1 та, амри маъруф ва наҳйи мункарда 1 та, хайз ва нифос илмини билишда 1 та, ҳалол ризқ топишда 1 та, ҳалол нарсаларни ейиш ва ҳаромлардан сақланишда 1 та.

Мазкур фарзлар ҳақида батафсил маълумот:

Исломда бешта фарз бор:

1. Иймон.
2. Намоз.
3. Рўза.
4. Закот.
5. Ҳаж.

Иймонда еттита фарз бор:

1. Аллоҳга;
2. Аллоҳнинг фаришталарига;
3. Аллоҳнинг китобларига;
4. Аллоҳнинг пайғамбарларига;
5. Охират кунига;
6. Такдирнинг яхшиси ва ёмони ҳам Аллоҳдан эканига;
7. Ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишониш.

Таҳоратда тўртта фарз бор:

1. Юзни ювиш.
2. Қўлларни тирсаклари билан қўшиб ювиш.
3. Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш.
4. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювиш.

Ғуслда учта фарз бор:

1. Оғизни чайиш.
2. Бурунни чайиш.
3. Баданнинг ҳамма жойини ювиш.

Таяммумда тўртта фарз бор:

1. Ният.
2. Пок тупроқни қасд қилиш.
3. Икки қўлни пок тупроққа уриб юзига суртиш.
4. Қўлларни яна тупроққа уриб икки тирсак билан қўшиб қўлларга суртиш.

Намозда ўн иккита фарз бор:

Олтитаси намоз ташқарисида ва олтитаси намоз ичида. Намоз ташқарисидагилар “шарт”, ичидагилар “рукн” дейилади.

Намознинг олтита шарти:

1. Таҳоратсизлик ёки жунубликдан покланиш.
2. Бадан, кийим ва намоз ўқиладиган жой тоза бўлиши.
3. Аврат ёпиқ бўлиши.
4. Қиблага юзланиш.
5. Вақт.
6. Ният.

Намознинг олти рукни:

1. Такбири таҳрима.
2. Қиём.
3. Қироат.
4. Рукуъ.
5. Сажда.
6. Қаъда (сўнгги ўтириш).

Қолган бешта фарз қуйидагилар:

- Илм олиш.
- Амри маъруф ва наҳйи мункар қилиш.
- Ҳайз ва нифос илмини билиш.
- Ризқни ҳалол йўл билан топиш.
- Шариатда ҳалол деб белгиланган нарсаларни ейиш ва ҳаром деб белгиланган нарсалардан ўзини тийиш.

ОЛТИ ДИНИЙ КАЛИМА

1. Калимаи тоййиба (Энг пок калима):

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ.

“Лаа илааҳа иллагаллооху Муҳаммадур-росуулulloох”.

Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир.

2. Калимаи шаҳодат (Гувоҳлик калимаси):

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ.

“Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʔабдуҳуу ва росуулух”.

Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканлигига гувоҳлик бераман.

3. Калимаи тавҳид (Тавҳид – Аллоҳнинг бирлигига иқрорлик калимаси):

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ، وَهُوَ حَيٌّ لَا يَمُوتُ، بِيَدِهِ الْخَيْرُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ.

“Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳу, ваҳдаҳу лаа шариика лаҳ, лаҳул-мулкү ва лаҳул-ҳамду, йухйии ва йумииту, ва ҳува ҳаййул-лаа йамууту, бийадиҳил-хойру, ва ҳува ʔалаа кулли шайъин қодиир”.

Маъноси: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман. Аллоҳнинг шериги йўқ, барча мулк Уники, мақтовлар Унга, У тирилтиради ва ўлдиради, аммо Ўзи тирикдир, ўлмайди. Яхшилик Унинг ихтиёрида ва У ҳамма нарсаса қодир.

4. Калимаи радди куфр (Куфрни рад этиш калимаси):

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ أَشْرِكَ بِكَ شَيْئًا وَأَنَا أَعْلَمُ، وَأَسْتَغْفِرُكَ لِمَا لَا أَعْلَمُ، إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ.

“Аллооҳумма иннии аъуузу бика мин ан ушрика бика шайъан ва ана аъламу, ва астағфирука лимаа лаа аъламу. Иннака анта ʔаллаамул-ғуйууб”.

Маъноси: Аллоҳим! Ўзим билиб туриб сенга бирор нарсани шерик қилишимдан сақлашингни сўрайман. Билмай туриб шерик қилиб қўйган бўлсам, кечирилишингни сўрайман. Албатта, Сен гайбларни билувчисан!

5. Калимаи истиғфор (Гуноҳ кечирилишини сўраш калимаси):

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ تَعَالَى مِنْ كُلِّ ذَنْبٍ أَذْنَبْتُهُ عَمْدًا أَوْ خَطَأً، سِرًّا أَوْ عَلَانِيَةً، وَأَتُوبُ إِلَيْهِ مِنَ الذَّنْبِ الَّذِي أَعْلَمُ، وَمِنَ الذَّنْبِ الَّذِي لَا أَعْلَمُ، إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ.

“Астағфируллооҳ, астағфируллооҳ, астағфируллооҳа таъаала мин кулли занбин азнабтуҳу ʔамдан ав хотоан, сиррон ав ʔалаанийаҳ, ва атуубу илайҳи миназ-занбиллазии аъламу ва миназ-занбиллазии лаа аъламу, иннака анта ʔаллаамул-ғуйууб”.

Маъноси: Аллоҳдан гуноҳларимни кечирилишини сўрайман, Аллоҳдан гуноҳларимни кечирилишини сўрайман, Аллоҳ таъолодан қасддан ёки адашиб, яширин ёки ошкора қилган барча гуноҳларимни кечирилишини сўрайман. Ўзим билган ва билмаган гуноҳлардан Унга тавба қиламан. Албатта Сен гайбларни билувчисан!

6. Калимаи тамжид (Улуғлаш калимаси):

سُبْحَانَ اللَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ، مَا شَاءَ اللَّهُ كَانَ، وَمَا لَمْ يَشَأْ لَمْ يَكُنْ.

“Субҳааналлооҳи, вал-ҳамду лиллааҳи, ва лаа илааҳа иллаллооҳу, валлооҳу акбар. Ва лаа ҳавла валаа қуввата иллаа биллааҳил-ъалиййил-ъазийм. Маа шааАллооҳу каана ва маа лам йашаъ лам йакун”.

Маъноси: Аллоҳнинг айбу нуқсони йўқ ва мақтов Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ улугдир, мутлоқ куч қудратли ва буюк Аллоҳдан ўзга йўқ. Аллоҳ нимани хоҳласа бўлади, нимани хоҳламаса бўлмайди.

КУНДАЛИК ЎҚИЛАДИГАН ДУОЛАР

УЙҚУГА ЁТАЁГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

بِسْمِكَ اللَّهُمَّ أَمُوتُ وَأَحْيَا

“Бисмикаллоохумма амууту ва аҳйаа”.

Маъноси: Аллоҳим! Сенинг номинг билан ўламан (уйқуга кетаман) ва тириламан (уйғонаман).

УЙҚУДАН УЙҒОНГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانِي بَعْدَ مَا أَمَاتَنِي وَإِلَيْهِ النُّشُورُ

“Алҳамду лиллааҳил-лази аҳйаани баъда маа амаатани ва илайҳин-нушуур”.

Маъноси: Мени уйқуга кетказиб, яна турғизган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин. Унинг ҳузурига бориш ҳақдир.

ХОЖАТХОНАГА КИРИШДАН ОЛДИН ЎҚИЛАДИГАН ДУО

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ

“Аллоохумма иннии аъузу бика минал-хубси вал-хобааис”.

Маъноси: Аллоҳим! Мен Сендан эркак ва аёл нопок жинларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман.

ҲОЖАТХОНАДАН ЧИҚҚАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

غُفْرَانِكَ

“Ғуфроонака”.

Маъноси: Аллоҳим! Мағфиратингни сўрайман.

ТАОМЛАНИБ БЎЛГАНДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ДУО

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنِي وَسَقَانِي وَجَعَلَنِي مِنَ الْمُسْلِمِينَ

“Алҳамду лиллааҳил-лазии атъамани ва сақонии ва жаъланиии минал-муслимиин”.

Маъноси: Мени тўйдирган ва чанқоғимни қондирган ҳамда мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

УЙДАН ЧИҚИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

بِسْمِ اللَّهِ، تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ

“Бисмиллааҳи, таваккалту ъалаллооҳи, валаа ҳавла валаа қуввата иллаа биллааҳи”.

Маъноси: Аллоҳнинг номи билан. Аллоҳга таваккал қилдим. Куч-қувват ҳам фақат Аллоҳ иладир.

УЙГА КИРГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

بِسْمِ اللَّهِ وَلَجْتُ، وَبِسْمِ اللَّهِ خَرَجْتُ، وَعَلَى اللَّهِ رَبِّي تَوَكَّلْتُ

“Бисмиллааҳи валажту ва бисмиллааҳи хорожту ва ъалаллооҳи роббии таваккалту”.

Маъноси: Аллоҳнинг номи билан кирдим, Аллоҳнинг номи билан чиқдим. Раббим Аллоҳга таваккал қилдим.

ЛИБОС КИЙГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي كَسَانِي هَذَا وَرَزَقْنِيهِ مِنْ غَيْرِ حَوْلٍ مِنِّي وَلَا قُوَّةٍ

“Алҳамду лиллааҳил-лазий касаани хаазаа ва розакониихи мин ғойри хавлим-миннии валаа қуввах”.

Маъноси: *Менга ушбу либосни менинг тарафимдан ҳеч қандай куч-қудратсиз кийдирган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.*

МАСЖИДГА БОРИШ ДУОСИ

اَللّٰهُمَّ اجْعَلْ فِيْ قَلْبِيْ نُورًا، وَفِيْ لِسَانِيْ نُورًا، وَاجْعَلْ فِيْ سَمْعِيْ نُورًا، وَاجْعَلْ فِيْ بَصَرِيْ
نُورًا، وَاجْعَلْ مِنْ خَلْفِيْ نُورًا، وَمِنْ اَمَامِيْ نُورًا، وَاجْعَلْ مِنْ فَوْقِيْ نُورًا وَمِنْ تَحْتِيْ نُورًا، اَللّٰهُمَّ
اَعْظِنِيْ نُورًا.

“Аллоохуммажъал фии қолбии нуурон, ва фии лисаани нуурон, важъал фии самъии нурон, важъал фии басории нурон, важъал мин холфии нурон, ва мин амаамии нурон, важъал мин фавқии нурон, ва мин таҳтии нурон. Аллоохумма аътинии нурон”.

Маъноси: *Аллоҳим! Қалбимда нур қилгин, тилимда нур қилгин, қулогимда нур қилгин, кўзимда нур қилгин, олдимдан нур қилгин, ортимдан нур қилгин, устимдан нур қилгин, остимдан нур қилгин. Аллоҳим! Менга нур ато этгин.*

МАСЖИДГА КИРГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

اَللّٰهُمَّ افْتَحْ لِيْ اَبْوَابَ رَحْمَتِكَ

“Аллоохуммафтах лии абвааба роҳматик”.

Маъноси: *Аллоҳим! Менга раҳматинг эшикларини очгин.*

МАСЖИДДАН ЧИҚҚАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

اَللّٰهُمَّ اِنِّيْ اَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ

“Аллоохумма иннии ас-алука мин фазлика”.

Маъноси: *Аллоҳим! Мен Сенинг фазлингдан сўрайман.*

АКСИРГАНДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ

“Алҳамду лиллааҳ”.

Маъноси: Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Буни эшитган одам:

يَرْحَمُكَ اللَّهُ وَيَشْفِيكَ

“Ярҳамукаллооҳу ва яшфиик”.

Маъноси: Аллоҳ сенга раҳм айласин ва шифо берсин, дейди.

ИСТИҒФОРЛАР САЙЙИДИ

اَللّٰهُمَّ اَنْتَ رَبِّيْ لَا اِلٰهَ اِلَّا اَنْتَ، خَلَقْتَنِيْ وَاَنَا عَبْدُكَ، وَاَنَا عَلَىٰ عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتِطَعْتُ،
اَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ، اَبُوْءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَاَبُوْءُ لَكَ بِذَنْبِيْ فَاغْفِرْ لِيْ، فَاِنَّهُ لَا يَغْفِرُ
الذُّنُوْبَ اِلَّا اَنْتَ.

“Аллоохумма анта роббии, лаа илааҳа иллаа анта, холақтани ва ана ʼабдука ва ана ʼалаа ʼаҳдика ва ваʼдика мастатоʼту, аʼуузу бика мин шарри маа сонаʼту, абууʼу лака бинеʼматика ʼалайя ва абууʼу лака бизанбий, фағфирли фаиннаҳу лаа йағфируз-зунууба иллаа анта”.

Маъноси: Аллоҳим! Сен менинг Раббимсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени яратгансан, мен Сенинг банданман. Мен қудратим етганича сенинг аҳдинг ва ваʼданг узрадирман. Мен қилган амалимнинг ёмонлигидан Сендан паноҳ сўрайман. Сенинг мендаги неʼматларингни тан оламан. Гуноҳимни иқрор этаман. Бас, мени кечиргин, зеро, Сендан ўзга гуноҳларни кечиргувчи йўқ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ушбу истиғфор истиғфорларнинг саййидидир, ким уни чин дилдан, инонган ҳолда кундузи ўқиса, кечгача вафот этса, у жаннат аҳлидандир. Кимки уни чин дилдан, инонган ҳолда кечқурун ўқиса, тонггача вафот этса, у жаннат аҳлидандир”, - деб марҳамат қилганлар. (Бухорий ривояти).

ҚУРЪОНИ КАРИМДАН БАЪЗИ СУРАЛАР

سُورَةُ الْفَاتِحَةِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١﴾ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٢﴾ مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ ﴿٣﴾
إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٤﴾ اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٥﴾ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ
عَلَيْهِمْ ﴿٦﴾ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٧﴾

Алҳамду лиллааҳи роббил-ъааламин. Арроҳмаанир роҳим.
Маалики йавмид-дин. Иййаака наъбуду ва иййаака настаъин.
Иҳдинас-сиротол-мустақим. Сиротол-лазиина анъамта ъалайҳим.
Ғойрил-мағдзууби ъалайҳим валадздзоооллиинин.

Эслатма: Ушбу “валадздзоооллиинин” калимасидаги “д” ва “з”
товушлари аралашган йўғон “дз” шаклида талаффуз қилинади. Унинг
айтилиш усулини тинглаб ўзлаштириш осонроқ.

ФОТИҲА СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. Ҳамд оламлар Рабби – Аллоҳгаким, 2. (У) Меҳрибон, Раҳмли. 3. (ва)
жазо куни (қиёмат)нинг эгасидир. 4. Сенгагина ибодат қиламиз ва
Сендангина ёрдам сўраймиз! 5. Бизни шундай тўғри йўлга бошлагинки, 6.
(у) Сен инъом (хидоят) етганларнинг йўлидир, 7. ғазабга учраган ва
адашганларнинг эмас!

سُورَةُ الْعَصْرِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَالْعَصْرِ ﴿١﴾ إِنَّ الْإِنْسَانَ لَفِي خُسْرٍ ﴿٢﴾ إِلَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَتَوَاصَوْا
بِالْحَقِّ وَتَوَاصَوْا بِالصَّبْرِ ﴿٣﴾

1. Вал-ъаср. 2. Иннал-инсаана лафии хуср. 3. Иллалазиина аамануу ва ъамилус-соолиҳаати ва таваасов бил-ҳаққи ва таваасов биссобр.

АСР СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. Аср билан қасамёд этурманки, 2. (ҳар бир) инсон зиёнда (бахтсизликда)дир! 3. Фақат иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилган, бир-бирларига ҳақиқатпарвар бўлишни тавсия этган ва бир-бирларига сабрли бўлишни тавсия этган зотларгина мустаснодир.

سُورَةُ الْهُمَزَةِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَيْلٌ لِّكُلِّ هُمَزَةٍ لُّمَزَةٍ ﴿١﴾ الَّذِي جَمَعَ مَالًا وَعَدَّدَهُ ﴿٢﴾ يَحْسَبُ أَنَّ مَالَهُ أَخْلَدَهُ ﴿٣﴾
كَلَّا لَيُنْبَذَنَّ فِي الْحُطَمَةِ ﴿٤﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْحُطَمَةُ ﴿٥﴾ نَارُ اللَّهِ الْمَوْقِدَةُ ﴿٦﴾ الَّتِي تَطَّلِعُ
عَلَى الْأَفْئِدَةِ ﴿٧﴾ إِنَّهَا عَلَيْهِمْ مُّوَصَّدَةٌ ﴿٨﴾

1. Вайлулли кулли ҳумазатил-лумазах. 2. Аллазии жамаъа маалав ва ъаддадах. 3. Йаҳсабу анна маалаҳуу ахладах. 4. Каллаа лайумбазанна фил-хутомах. 5. Ва маа адроока мал-хутомах. 6. Нааруллоохил мууқодах. 7. Аллатий таттолиъу ъалал-афъидах. 8. Иннаҳаа ъалайҳим-муъсодах. 9. Фии ъамадим мумаддадах.

ҲУМАЗА СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. (Кишилар ортидан) ғийбат қилувчи, (олдида) масхара қилувчи ҳар бир кимсани ҳолига вой. 2. Қайсики, у мол-дунёни йиғиб, уни санагани-санаган. 3. ва моли (бойлиги) уни абадий қолдиради деб ўйлайдиган кимсадир. 4. Йўқ! Қасамки, албатта, у “Ҳутома”га ташланур!. 5. (Эй, инсон) “Ҳутома” нима эканлигини сенга не ҳам англатур?! 6. (У) Аллоҳнинг ёқиб қўйилган бир оловидирки, 7. (у бандаларни тешиб ўтиб) юракларга қадар етур. 8. Албатта, у (олов) уларни қамраб олувчидир. 9. (Ўзлари) узун устунларда (занжирбанд) бўлурлар.

سُورَةُ الْفِيلِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الْفِيلِ ﴿١﴾ أَلَمْ تَجْعَلْ كَيْدَهُمْ فِي تَضْلِيلٍ ﴿٢﴾ وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ ﴿٣﴾ تَرْمِيهِمْ بِحِجَارَةٍ مِّن سِجِّيلٍ ﴿٤﴾ فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَّأْكُولٍ ﴿٥﴾

1. Алам таро кайфа фаъала роббука биасхаабил фиил. 2. Алам йажъал-кайдаҳум фиин тадзлиил. 3. Ва арсала ъалайҳим тойрон абаабиил. 4. Тармиихим биҳижааротим-мин-сижжиил. 5. Фажаъалаҳум каъасфим-маъкуул.

ФИЛ СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. (Эй Муҳаммад) Роббингиз “Фил эгалари”ни не қилганини кўрмадингизми? 2. (У) уларни макрларини йўққа чиқармадими?! 3. Уларнинг устига тўда-тўда қушларни юборди. 4. (Улар) сопол тошлар билан уларни отар эди. 5. (Бас) уларни (Каъбани бузишга келганларини) еб (чайнаб) ташланган сомондек қилиб қўйди.

سُورَةُ قُرَيْشٍ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

لَا يَلْفِ قُرَيْشٍ ﴿١﴾ إِلَهُهُمْ رِحْلَةَ الشِّتَاءِ وَالصَّيْفِ ﴿٢﴾ فَلْيَعْبُدُوا رَبَّ هَذَا الْبَيْتِ ﴿٣﴾ الَّذِي أَطْعَمَهُمْ مِّن جُوعٍ وَءَامَنَهُمْ مِّن خَوْفٍ ﴿٤﴾

1. Ли-ийлаафи қуроййш. 2. Иилаафиҳим рихлаташ-шитаан вассоййф. 3. Фал-йаъбудуу робба хаазал байит. 4. Аллазии атъамахум-мин жууъив-ва ааманаҳум-мин ховвф.

ҚУРАЙШ СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. Қурайш (аҳолиси)га қулай қилиб қўйгани учун, 2. яъни, уларга қишда (Яманга) ва ёзда (Шомга) сафар қилишни қулай қилиб қўйгани учун 3. мана шу Уй (Каъба)нинг Парвардигорига ибодат қилсинлар! 4. Зеро, (У) уларни очликдан (қутқариб) тўйдирди ва хавф (ва хатар)дан хотиржам қилди.

سُورَةُ الْمَاعُونِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

أَرَأَيْتَ الَّذِي يُكَذِّبُ بِالدِّينِ ﴿١﴾ فَذَلِكَ الَّذِي يَدْعُ الْيَتِيمَ ﴿٢﴾ وَلَا تَحْضُ عَلَىٰ
طَعَامِ الْمَسْكِينِ ﴿٣﴾ فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ ﴿٤﴾ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ ﴿٥﴾ الَّذِينَ هُمْ
يُرَاءُونَ ﴿٦﴾ وَيَمْنَعُونَ الْمَاعُونَ ﴿٧﴾

1. Ароайталлазии йуказзибу бид-дин. 2. Фазааликаллазии йадуйъул йатиим. 3. Валаа йаҳудздзу ъалаа тоъаамил мискиин. 4. Фавайлул-лил-мусоллиин. 5. Аллазиина ҳум ъан солаатиҳим сааҳуун. 6. Аллазиина ҳум йуроооуун. 7. Ва йамнаъуунал-мааъуун.

МОЪУН СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. Динни (охират кунини) инкор этадиган кимсани кўрганмисиз?! 2. Бас, у етимни жеркийдиган 3. ва мискин (бечора)га таом беришга тарғиб қилмайдиган (кофир) кимсадир. 4. Бас, шундай намозхонлар ҳолига войки, 5. улар намозларини “унутиб” қўядилар, 6. риёкорлик қиладилар 7. ва рўзғор буюмларини (кишилар омонатга сўрашганда) ман этадилар.

سُورَةُ الْكَوْثَرِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ ﴿١﴾ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَحْزَرْ ﴿٢﴾ إِنَّ شَانِئَكَ هُوَ الْأَبْتَرُ ﴿٣﴾

1. Иннаааа аътойнаакал-кавсар. 2. Фасолли лироббика ванхар.
3. Инна шааниака хувал-абтар.

КАВСАР СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. (Эй Муҳаммад!) Албатта, Биз Сизга Кавсарни ато этдик. 2. Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг! 3. Албатта, ғанимингизни ўзи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир.

سُورَةُ الْكَافِرُونَ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قُلْ يَتَأَيُّهَا الْكَافِرُونَ ﴿١﴾ لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ ﴿٢﴾ وَلَا أَنتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿٣﴾ وَلَا

أَنَا عَابِدٌ مَا عَبَدْتُمْ ﴿٤﴾ وَلَا أَنتُمْ عَابِدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿٥﴾ لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ ﴿٦﴾

1. Қул йаааа аййухал каафируун. 2. Лаааа аъбуду маа таъбудуун.
3. Валаааа антум ъаабидууна маааа аъбуд. 4. Валаааа ана ъаабидуммаа ъабаттум. 5. Валаааа антум ъаабидууна маааа аъбуд.
6. Лакум диинукум валийа дийн.

КАФИРУН СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. (Эй Муҳаммад!) Айтинг: Эй, кофирлар! 2. Мен сизлар ибодат қилаётган нарсага (бут ва санамларга) ибодат қилмасман. 3. Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллох)га ибодат қилувчи эмассиз. 4. Мен сизлар ибодат қиладиган нарсага ибодат қилувчи эмасман. 5. Сизлар ҳам мен

ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмассиз. 6. Сизга – ўзингизнинг динингиз, менга – ўзимнинг диним.

سُورَةُ النَّصْرِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ ﴿١﴾ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا ﴿٢﴾ فَسَبِّحْ

حَمْدَ رَبِّكَ وَاسْتَغْفِرْهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا ﴿٣﴾

1. Изаа жаааааа насруллоохи вал-фатҳ. 2. Вароайтан-нааса йадхулуна фии дииниллаахи афваажаа. 3. Фасаббих бихамди роббика вастағфирху иннаҳуу каана таввабаа.

НАСР СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. (Эй Муҳаммад!) Қачонки, Аллоҳнинг нусрати (мадади) келганда, 2. одамлар тўп-тўп бўлиб, Аллоҳнинг дини (Ислом)га қираётганларини кўрганингизда, 3. дарҳол Роббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг ва Ундан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул этувчи зотдир.

سُورَةُ الْمَسَدِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ ﴿١﴾ مَا أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ ﴿٢﴾ سَيَصْلَىٰ نَارًا ذَاتَ

لَهَبٍ ﴿٣﴾ وَأَمْرَاتُهُ حَمَّالَةَ الْحَطَبِ ﴿٤﴾ فِي جِيدِهَا حَبْلٌ مِّن مَّسَدٍ ﴿٥﴾

1. Таббат йадаааа абии лаҳабив-ватабб. 2. Маааа ағнаа ʔанху маалуҳу вамаа касаб. 3. Сайаслаа наарон заата лаҳаб. 4. Вамроатуҳуу хаммаалатал-хатоб. 5. Фии жиидихаа ҳаблум-мим-масад.

МАСАД СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин (ҳалок бўлсин). Ҳалок бўлди ҳам.
2. Мол-мулки ва топган-тутгани (бойликлари) унга асқотмади.
3. Яқинда (у) алангали оловда куяжак.
4. Шунингдек, ўтин ташувчи хотини ҳам.
5. Бўйнида пухта эшилган арқони ҳам бўлур.

سُورَةُ الْاِخْلَاصِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الْقُلِّ الرَّحِيمِ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ۝ اللَّهُ الصَّمَدُ ۝ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ۝
وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ ۝

1. Қул ҳуваллооҳу аҳад.
2. Аллооҳус-сомад.
3. Лам ялид ва лам йуулад.
4. Ва лам якуллаҳуу куфуван аҳад.

ИХЛОС СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. (Эй Муҳаммад) Айтинг: “У Аллоҳ ягонадир.
2. Аллоҳ Сомад (эҳтиёжсиз, хожатбарор)дир.
3. У туғмаган ва туғилмаган ҳам.
4. Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенги йўқдир”.

سُورَةُ الْفَلَقِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ۝ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ۝ وَمِنْ شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ۝ وَمِنْ شَرِّ
النَّفَّاثِ فِي الْعُقَدِ ۝ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ۝

1. Қул аъузу бироббил-фалақ.
2. Мин шарри маа холақ.
3. Ва мин шарри ғоосиқин изаа вақоб.
4. Ва мин-шаррин-наффаасаати фил-ъуқод.
5. Ва мин шарри ҳаасидин изаа ҳасад.

ФАЛАҚ СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. (Эй Муҳаммад) Айтинг: Паноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвардигорига, 2. яратган нарсалари ёвузлигидан, 3. зулматга чўмган тун ёвузлигидан, 4. тугунчаларга дам солувчи аёллар ёвузлигидан 5. ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан.

سُورَةُ النَّاسِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ النَّاسِ ﴿٢﴾ إِلَهِ النَّاسِ ﴿٣﴾ مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ﴿٤﴾

الَّذِي يُوسَّوْسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ ﴿٥﴾ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ﴿٦﴾

1. Қул аъузу бироббин-наас. 2. Маликин-наас. 3. Илааҳин-наас. 4. Мин шаррил-васваасил-хоннаас. 5. Аллазии йувасвису фии судуурин-наас. 6. Минал жиннати ван-наас.

НОС СУРАСИ

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг номи билан (бошлайман).

1. (Эй Муҳаммад!) Айтинг: “Паноҳ тилаб илтижо қилурман одамлар Парвардигорига, 2. одамлар Подшоҳига, 3. одамлар Илоҳига, 4. (инсон Аллоҳни эслаганда) чекиниб, (эсламаганда) васваса қилувчи (шайтон) ёвузлигиданки, 5. (у) одамларнинг дилларига васваса солур. 6. (Ўзи) жинлар ва одамлар жинсидандир”.

ИЗОҲЛАР

1. Дин – луғатда “итоат”, “эътиқод”, “йўл тутиш” деган маъноларни билдиради. Шаръий истилоҳда эса илоҳий йўл-йўриқлар, ҳукмлар, ибодатлар ва ақидалар мажмуидир. Ислом динидан ташқари ер юзида Христианлик, Яҳудийлик, Буддавийлик ва бошқа бир қанча динлар ҳам мавжуд. Ислом дини охирги ва мукаммал диндир.

2. Ислом – луғатда “бўйсунуш”, “ихлос”, “тинчлик” деган маъноларни билдиради. Шаръий истилоҳда эса тавҳид динидир. Ислом Аллоҳ таоло томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга юборилган. Кимки **“Лаа илааҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ”** – “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг расули”, деб тили билан иқрор бўлса ва дили билан тасдиқласа, Исломни қабул қилган ва мусулмон бўлган ҳисобланади.

Ислом дини 5 та асосга қурилган:

1. Иймон.
2. Намоз.
3. Рўза.
4. Закот.
5. Ҳаж.

3. Иймон – луғатда “тасдиқлаш”, “ишониш” деган маъноларни билдиради.

Истилоҳда – пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло томонидан келтирган барча хабарларни тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлашдир.

Иймоннинг шартлари:

1. Аллоҳ таолонинг борлиги, бирлиги ва барча сифатларига;
2. Унинг фаришталарига;
3. Унинг китобларига;
4. Унинг пайғамбарларига;
5. Охират кунига;
6. Тақдирнинг яхшиси ва ёмони ҳам Аллоҳ таолодан эканига;
7. Ўлгандан сўнг қайта тирилишга иймон келтиришдир.

4. Шариат – луғатда “қонун чиқариш”, “йўналтириш” деган маъноларни билдиради. Шаръий истилоҳда – Ислом динининг ҳукмлар тўпламига айтилади.

5. Фаришталар – Аллоҳ таолонинг нурдан яралган махлуқотларидир. Фаришта араб тилида “малак” бўлиб, унинг кўплиги “малоика”дир. Фаришталарнинг борлиги Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда баён қилинган. Улар ҳамиша ибодат қилувчи ва Аллоҳнинг буйруқларини бажарувчи, гуноҳ қилиш, ейиш-ичиш, ухлаш, шахват кабилардан холи, кўзга кўринмайдиган мавжудодлардир. Аллоҳ таолонинг буйруқларини адо этиш учун ер юзига ҳам тушишади. Булардан ташқари ҳар бир банданинг барча яхши ва ёмонликларини номаи аъмолига ёзиб борадилар. Қиёмат куни инсон шу номаларга кўра ҳисоб-китоб қилинади. Яна ер юзида бандаларни турли фалокатлардан асрайдиган фаришталар ҳам бўлиб, Аллоҳ уларни турли мавжудодларга вакил қилган. Жумладан, тоғларга, булутларга, ёмғирга, қабрдаги савол-жавобга, фалакларга, қуёшга, ойга, жаннатга, дўзахга алоҳида-алоҳида фаришталар вакил қилинган.

Фаришталарнинг энг машҳурлари тўртта: Жаброил, Микоил, Азроил, Исрофил. Жаброил алайҳиссалом Аллоҳ таолодан барча пайғамбарларга ваҳий келтирувчи; Микоил алайҳиссалом Аллоҳ берган ризқларни тасарруф қилувчи; Азроил алайҳиссалом бандаларнинг жонини олувчи; Исрофил алайҳиссалом эса Қиёмат куни сурни чалувчи фариштадир.

Қуръонда фаришталар, уларнинг турлари, мартабалари ҳақида батафсил зикр қилинган.

6. Илоҳий китоблар – Аллоҳ таолонинг Ўз пайғамбарларига Жаброил алайҳиссалом орқали нозил қилган китоблари бўлиб, улар Аллоҳнинг каломи ва ваҳийсидир. Самовий китоблар – Таврот, Забур, Инжил ва Қуръони каримдир. Шу билан бирга Аллоҳ таоло саҳифалар ҳам нозил қилган. Таврот Мусо алайҳиссаломга, Забур Довуд алайҳиссаломга, Инжил Исо алайҳиссаломга, Қуръони карим эса Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган. Қуръони карим энг охирги нозил қилинган китоб бўлиб, ўзидан аввалги барча илоҳий китобларнинг ҳукмини бекор қилган. Чунки, у китоблардаги ҳукмлар муайян халққа ва муайян даврга мансуб бўлган. Қуръони карим эса ер юзидаги барча инсониятга

қаратилган бўлиб, қиёмат кунигача замонлар оша ҳукмлари ўзгармасдан ҳар қандай шароитда, барча замонларга жавоб берадиган ҳақ китобдир.

7. Ваҳий – луғатда “яширин равишда зудлик билан хабар қилиш”, “илҳомлантириш” деган маъноларни билдиради. Шаръий истилоҳда – Аллоҳ таолонинг пайғамбарларига Жаброил алайҳиссалом орқали юборган диний кўрсатмаларидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийнинг биринчи келиши ўнгидан келган туш бўлган. Кўрган ҳар бир тушлари уйғоқлик вақтларида ҳам худди тонг ёруғидек келар эди. Баъзан фаришта ўзининг асл кўринишида, баъзан ўзи кўринмай туриб, у зотнинг қалбларига керакли хабарни етказар эди. Шу услубда Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръони каримни 23 йил мобайнида Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий қилган.

8. Пайғамбар – “хабар етказувчи” деган маънони билдиради. Араб тилида “набий” ва “расул” дейилади. Бу икки ибора маънода бир бирига яқин бўлса-да, ўзига хос хусусияти бор.

“Нубувват” – луғатда “муҳим хабар бериш”, “маълумот бериш” деган маъноларни билдиради. Шаръий истилоҳда Аллоҳ таолодан ваҳий орқали хабар олган ва бошқаларга етказишга амр қилинмаган пайғамбарга айтилади.

“Расул” – луғатда “рисолат”, “юбориш”, “мактуб” деган маъноларни билдиради. Шаръий истилоҳда Аллоҳ таолодан Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий олган ва бошқа инсонларга етказишга амр қилинган пайғамбарга айтилади.

Пайғамбарларнинг барчаси инсон наслидан бўлиб, гуноҳ, куфр, туғёндан сақланган комил инсонлардир. Улар ўз қавмларини фақат Аллоҳ таолога ибодат қилишга, Унга ширк келтирмасликка чақирганлар.

Илк пайғамбар Одам алайҳиссалом, энг сўнггиси эса Муҳаммад алайҳиссаломдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда йигирма бешта пайғамбарни зикр қилган. Буларнинг биротасини инкор қилган киши диндан чиқади. Номлари ва қиссалари зикр қилинмаган пайғамбарлар ҳам бўлиб, бу ҳақда Қуръони каримда баён қилинган. Аллоҳ таоло ўз пағамбарларининг ҳақлигини тасдиқлаш, мушрик ва кофирларни ожиз қолдириш, мўминларнинг иймонини мустаҳкамлаш учун уларга ўз замонасига ва қавмига хос мўъжизалар берган.

9. Охират куни – “қиёмат куни” ҳам дейилади. Исрофил алайҳиссаломнинг биринчи сур чалиши билан бошланади ва бу кунда дунё ҳаёти ниҳоясига етади. Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида қиёмат куни ўта даҳшатли, шу билан бирга аҳамиятли бўлгани учун ҳам қайта-қайта зикр қилинган. Қуръони каримда қиёматнинг “ҳисоб куни”, “маҳшар куни” каби номлари ҳам зикр қилинган.

10. Қазо ва қадар. “Қазо” – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандай бўлишини азалдан билиши.

“Қадар” – Ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келиши.

Қазо ва қадар масаласи Аллоҳнинг Ўзига хос илмларидан ҳисобланади. Мусулмон киши бу масалаларда чуқур кетмаслиги, Қуръон ва суннатда келган кўрсатмаларга амал ва эътиқод қилиши лозим бўлади.

11. Ақида – луғатда “маҳкам боғлаш” деган маънони билдиради. Шаръий истилоҳда Аллоҳ таолонинг борлиги, қиёматнинг қоим бўлиши, жаннат, дўзах каби пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом келтирган барча ғайб нарсаларнинг ростлигини тасдиқлаш ва қалбини боғлаб ишонишдир.

12. Фарз – Аллоҳ таоло томонидан қатъий (кучли, шубҳага ўринсиз бўлган) далиллар билан бажарилиши талаб қилинган амаллар. Беш вақт намоз ўқиш, рўза, закот, ҳаж каби амаллар фарздир. Уни бажарган киши савоб олади, қилмаган осий бўлиб, азобга учрайди. Фарзни инкор қилган киши кофир бўлади.

13. Вожиб – Аллоҳ таоло томонидан қатъий бўлмаган далил билан бажарилиши талаб қилинган амаллар. Витр, фитр садақаси, икки ҳайит намозлари шулар жумласидан. Вожиб амални қилган киши савоб олади, қилмаган осий бўлиб, азобга учрайди, лекин унинг азоби фарзни бажармаган кишиникидан камроқ бўлади. Вожибни инкор қилган киши кофир бўлмайди.

14. Суннат – шариатда жазм бўлмаган ҳолда қилиниши талаб қилинган амаллар. Уни қилган киши савоб олади, қилмаган киши эса мазаммат қилинмайди, лекин охиратда расулуллоҳнинг шафоатларидан бенасиб бўлиши мумкин.

Ҳанафий мазҳабида суннат – суннати муаккада (таъкидланган, жума намози каби), суннати машруъа (душанба, пайшанба кунларининг

рўзалари каби), суннати зоида (расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ейиш-ичишлари, кийинишлари, юриш-туришлари ва ухлашлари каби)ларга бўлинади.

15. Мустаҳаб – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гоҳида бажариб, гоҳида бажармаган амаллар. Бу амални бажаришни уламолар яхши санаганлари сабабли “мустаҳаб” (“яхши кўрилган”) ёки “мандуб” деб номланган. Бунга: нафл намозлар, нафл рўзалар, нафл садақалар ва доимо таҳоратли юриш каби амаллар киради. Мустаҳабни бажарган киши савоб олади ва бажармаган киши гуноҳкор бўлмайди.

16. Ҳалол – Аллоҳ таоло рухсат этган нарсалар. Аллоҳ таоло ҳалол қилган барча нарсалар инсон учун фойдадан холи эмас. Мусулмон киши ҳалол ризқ топиш, ҳалол касб билан рўзғор тебратиш, ҳалол еб-ичишга буюрилган. Шариатимизда ҳаром қилинган нарсалардан бошқа барча нарса ҳалолдир.

17. Мубоҳ – мукаллаф кишига бажариш ёки бажарилмаслик ихтиёри тенг берилган амаллар. Ейиш, ичиш, ухлаш каби. Бу амални қилганга ҳам, қилмаганга ҳам, савоб ҳам, гуноҳ ҳам йўқ. Аммо буни қилмаслиги ҳалокатга етакласа, қилиш вожибга айланади. Масалан: таом емаслик ўлимга сабаб бўлса, уни ейиш вожибга айланади.

18. Ҳаром – инкор қилиб бўлмас даражада қатъий далиллар билан бажарилиши таъқиқланган амаллар. Масалан: хамр (маст қилувчи ичимлик ва гиёҳларнинг барча тури), кимор ўйнаш, одам ўлдириш, ўғрилиқ, қароқчилик қилиш, тўнғиз, ваҳший ҳайвонлар, ҳаром ўлган ҳайвонлар, “бисмиллаҳ”сиз сўйилган ҳайвонларнинг гўшти, сўйганда отилиб чиққан қон, эркаклар учун ипак ва тилла ишлатиш, тилла-кумуш идишда овқат ейиш, судхўрлик, зино, ғийбат кабилар ҳаром. Ушбулар Қуръони карим ва ҳадиси шарифнинг ҳукмлари ёки уламоларининг ижмоси билан ҳаром қилинган. Ҳаром иш қилган киши охиратда азобга учрайди. Ҳаромни инкор қилган ёки уни ҳалол деган киши диндан чиқади ва кофир бўлади.

Ҳаромдан узоқ бўлиш, сақланиш фарз.

19. Макруҳ – қатъий бўлмаган далил билан бажарилиши таъқиқланган амаллар. Уламолар наздида қилиниши ёмон кўрилган амал бўлгани учун “макруҳ” – “ёмон кўрилган” дейилган. Масалан: масжидга тупуриш, масхарабозлик қилиш ва фаҳшга тарғиб қилувчи турли хил кўшиқлар

эшитиш, бировнинг савдоси устига савдо қилиш, совчи устига совчи қўйиш каби.

20. Таҳлил – “Лаа илааҳа иллаллоҳ” - “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ” калимасини айтиш.

21. Тасбеҳ – “Субҳааналлоҳ” - “Аллоҳ ҳар қандай айбу-нуқсонлардан пок” калимасини айтиш.

22. Такбир – “Аллооҳу акбар” - “Аллоҳ буюкдир” калимасини айтиш.

23. Таҳмид – “Алҳамду лиллааҳ” - “Аллоҳга ҳамд бўлсин” дейиш.

24. Истиғфор – “Астағфируллоҳ” - “Аллоҳдан гуноҳларимни кечиришини сўрайман” дейиш.

25. Қибла – мусулмонларнинг намозларида Макка шаҳридаги Масжидул-Ҳарамда жойлашган Каъбага юзланиши бўлиб, “Байтуллоҳ” (Аллоҳнинг уйи) ҳам дейилади. Байтуллоҳ – Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг амри ила ўғли Исмоил алайҳиссалом билан биргаликда Аллоҳга ибодат қилиш учун қурган муқаддас уйдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таоло томонидан намоз фарз қилингандан кейин ўн етти ой Қуддуси шарифдаги Масжидул-Ақсо тарафига юзланиб намоз ўқилган. Кейинчалик Каъба томонга юзланиб ўқишга амр қилинган. Масжидул-Ҳаромнинг маъноси – “у ерда урушиш, жанжаллашиш ва ёмон ишларни қилиш ҳаром қилинган уй” деганидир.

Каъбага юзланиш намознинг фарзларидан бири бўлиб, Каъбадан бошқа томонга юзланиш намозни бузади.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Таҳоратнинг ҳукмлари.....	4
Ҳожатхона одоблари	4
Таҳорат олиш тартиби	6
Таҳоратнинг фарзлари	6
Таҳоратнинг суннатлари.....	7
Таҳоратнинг мустаҳаблари	8
Таҳоратнинг макруҳлари.....	8
Таҳоратни бузувчи ҳолатлар	9
Узрли кишининг таҳорати.....	9
Таҳоратсиз кишига ҳаром бўлган амаллар	10
Маҳсига масҳ тортиш	10
Маҳсига масҳ тортиш шартлари.....	10
Масҳ тортишнинг фарзи.....	10
Масҳ тортишнинг суннати	11
Масҳни бузадиган амаллар	11
Таяммум ва унинг ҳукмлари	12
Таяммум қилиш лозим бўлган сабаблар.....	12
Таяммумнинг фарзлари	12
Таяммумнинг суннатлари.....	13
Таяммумни бузувчи нарсалар	13
Ғусл	14
Ғуслнинг фарзлари	14
Ғуслнинг суннатлари	14
Ғусл қилиш мустаҳаб бўлган ҳолатлар.....	15
Ғусл вожиб бўлган киши бажариши ҳаром бўлган амаллар	15
Аёлларга хос масалалар: ҳайз, нифос, истиҳоза	15
Ҳайз ва нифос ҳолатида ҳаром бўлган амаллар.....	16
Намоз.....	16
Намознинг фарзлари.....	17
Намознинг вожиблари	17
Сажда ояти ўқилганда сажда қилиш	18
Намознинг суннатлари	19
Намознинг мустаҳаблари	20
Намозни бузувчи амаллар	20

Намознинг макруҳлари.....	21
Намознинг мубоҳлари	23
Эркак ва аёллар намозининг фарқлари.....	23
Намозни бузиш ва жоиз бўлган ўринлар	24
Азон.....	24
Иқомат.....	25
Азон ва иқомат ҳукми.....	25
Азоннинг шартлари.....	25
Азон ва иқоматдаги суннатлар.....	25
Бомдод намозининг ўқилиш тартиби.....	27
Пешин намозининг ўқилиш тартиби	31
Аср намозининг ўқилиш тартиби.....	32
Шом намозининг ўқилиш тартиби	32
Хуфтон намозининг ўқилиш тартиби.....	33
Витр намозининг ўқилиш тартиби.....	33
Намоздан кейин ўқиладиган зикр ва дуолар	34
Жамоат намози	36
Имомлик ва жамоат шартлари	36
Имомга иқтидо қилиш	36
Имомга иқтидо қилувчининг ҳолатлари	37
Масжид одоблари.....	38
Масжидда бажарилиши макруҳ бўлган амаллар	38
Нафл намози	39
Мустақил тарзда ўқиладиган нафл намозлари.....	39
Намознинг вақтлари.....	41
Намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтлар	41
Намоз ўқиш жоиз бўлмаган вақтлар	42
Сутра	42
Таровеҳ намози.....	43
Мусофирнинг намози	44
Қаср ўқиш вожиб бўладиган сафар.....	44
Аслий ватан ва ватани иқома	45
Қазо намозлари.....	45
Хаста кишининг намози	45
Жума намози.....	46
Жума намозининг дуруст бўлиш шартлари.....	46
Жума намозининг суннат ва одоблари.....	47
Жума куни макруҳ бўлган амаллар	47
Икки ҳайит намози ва уларнинг шартлари	47
Ҳайит намозининг ўқилиш тартиби.....	47
Такбиру ташриқ.....	48
Жаноза намози.....	48

Қирқ фарз.....	51
Олти диний калима	52
Кундалик ўқиладиган дуолар.....	54
Қуръони каримдан баъзи суралар	58
Изоҳлар	66

Абдулҳаким қори Комилжон ўғли

**НАМОЗ
ИБОДАТИ АРҚОНЛАРИ**

Нашр учун масъул *Камолиддин Юлдашев*
Муҳаррир *Авазхон Давлатов*
Техник муҳаррир ва компютерда тайёрловчи
Акмал Сулаймонов
Мусахҳих *Дониёр Зияев*

Оригинал макет «Имом Бухорий халқаро маркази»
нашриётида тайёрланди.

Нашриёт лицензияси АИ № 132, 14.03.2009.
Босишга 2018 йил 5 июлда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. «Times New Roman» гарнитуро
офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 3,0. Нашр табоғи 3,0.
Нусхаси 10 000. Буюртма № 404. Баҳоси шартнома асосида.

МЧЖ «LUX PRINT» босмахонасида chop
этилди. Тошкент, Миробод тумани,
Толлимаржон кўчаси, 1/1.

Телефон: (371) 283-43-10



1-расм. Таҳорат олишга ният қилиб,
“Бисмиллааҳи...” билан бошланади.



2-расм. Қўллар (совун ёки замонавий
тозалаш воситаларидан фойдаланган
ҳолда) яхшилаб ювилади.



3-расм. Оғиз уч марта ғарғара қилиб
чайилади.



4-расм. Бурунга уч марта сув тортилиб,
чайилади.



5-расм. Юз ияк билан қўшилиб, уч
марта ювилади.




6-расм. Икки қўл тирсаклари билан қўшиб уч марта ювилади.



7-8-расмлар. Икки қўл ҳўлланиб, аввал бошга, кейин икки қулоққа, сўнгра бўйинга масҳ тортилади.



9-расм. Аввал ўнг оёқ, сўнгра чап оёқ тўпиқлари билан қўшиб ювилади.



10-расм. Агар маҳси таҳорат билан кийилган бўлса, қўл бармоқлари ҳўлланиб, ўнг маҳсига ўнг қўл билан, чап маҳсига чап қўл билан уч бармоқда масҳ тортилади.

БОМДОД НАМОЗИНИНГ ЎҚИЛИШ ТАРТИБИ

Бомдод намози тўрт ракатдан иборат: икки ракат суннат ва икки ракат фарз.

Икки ракат суннат

1. Намоз вақти кириб, азон айтилгандан сўнг, намозга қуйидагича ният қилинади:



1-расм. Ният.

1. “Бомдод намозининг икки ракат суннати қибла бўлиши Каъба тарафга юзланиб, холис Аллоҳ учун ўқилиши ният қилдим”.
(1-2 расмлар)



2-расм. Ният.



3-расм. Ифтитоҳ табири.

2. Сўнг икки қўлининг кафтини қиблага қаратиб, бармоқларни букмасдан, уларнинг орасини ўз ҳолича қўйиб, бош бармоқларини қулоқларининг юмшоғи баробарига кўтариб: “Аллооҳу акбар” дейди. Аёл киши икки қўлининг кафтини қибла тарафга қаратиб, кўкрак баробаригача кўтаради. (3-4 расмлар)



4-расм. Ифтитоҳ табири.



5-расм. Қиём.

3. Сўнг қўллар боғланади. Ўнг қўл кафтини чап қўл устига қўяди. Ўнг қўлнинг бош ва кичик бармоқлари билан чап қўл билагини ушлаб, киндик остида тутлади (5-расм). Аёл киши қўлларини кўкрак устига қўяди (6-расм). Қиёмда тик турган ҳолатида сажда қилинадиган жойга қараб, навбати билан қуйидагилар ўқилади:
(5-6 расмлар)



6-расм. Қиём.

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ.

Маъноси: “Аллоҳим, Сени пок Зот деб ёд қиламан, исминг муборак, мартабанг улугдир, Сендан ўзга илоҳ йўқ”.

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ، بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١﴾ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴿٢﴾

مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ ﴿٣﴾ إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٤﴾

أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦﴾ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ ﴿٧﴾

غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٧٠﴾

Алхамду лиллаахи роббил-ѡааламиин. Арроѡмаанир-роѡиим. Маалики йавмид-диин. Иййаака наѡбуду ва иййаака настаѡиин. Ихдинас-сироотол-мустакиим. Сироотол-лаѡина анѡамта ѡалайѡим. Гойрил мағдзууби ѡалайѡим валадздзоооооллиииин. (“Амийн”ни махфий айтади).

Сўнг бирор зам сура (Қуръондан кичик сура ёки узун бир оят ёки қисқа уч оят) ўқийди. Масалан:

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ ﴿١﴾ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَانْحَرْ ﴿٢﴾

إِنَّ شَانِعَكَ هُوَ الْأَعْتَرُ

**Иннаааа аътйнаакал-кавсар. 2. Фасолли лироббика
ванхар. 3. Инна шааниака хувал абтар.**



7-расм. Рукуъ.

4. Сўнг **“Аллооҳу акбар”** деб рукуъ қилади. Рукуъда тиззаларини ва тирсакларини букмасдан, тиззаларини маҳкам тутган ҳолда эгилади. Аёл киши бироз эгилади ва тиззаларини ҳам бироз букади. 3 марта **“Субҳаана роббийл-азийм”**, - дейди. (7-8 расмлар)



8-расм. Рукуъ.



9-расм. Қавма.

5. Рукуъдан **“Самиъаллооҳу лиман ҳамидах”**, - деб қаддини кўтаради ва шу ҳолатда: **“Роббанаа ва лакал-ҳамд”**, - дейди.

(9-10 расмлар)



10-расм. Қавма.



11-расм. Сажда.

6. **“Аллооҳу акбар”** деб аввал тиззалар, кейин кафтлар, сўнг бурун ва пешонани ерга кўйиб сажда қилади. Саждада оёқ панжаларини қиблага қаратади, тирсакларини ерга ва ёнига теккизмасдан 3 марта **“Субҳаана роббийл-аълаа”**, - дейди.

Аёл киши эса билакларини ерга ва қоринларини сонларига ёпиштириб сажда қилади. (11-12 расмлар)



12-расм. Сажда.



13-расм. Жалса.

7. “Аллооҳу акбар” деб саждадан бошини кўтариб, бир тасбеҳ микдорича ўтиради (жалса). Қўл ва бармоқларини ўз холича тутиб тиззага қўяди. Чап оёғи устига ўтириб, ўнг оёқ қадамини тик қилади, панжаларини қиблага қаратади. Аёл киши оёқларини ўнг томонидан чиқариб ўтиради.
(13-14 расмлар)



14-расм. Жалса.



15-расм. Сажда.

8. “Аллооҳу акбар” деб яна саждага қайтади ва 3 марта **“Субҳаана роббийал-аълаа”** дейди. Шу тариқа биринчи ракат тугайди.
(15-16 расмлар)



16-расм. Сажда.



17-расм. Қовма.

9. “Аллооҳу акбар” деб иккинчи ракатга туриб, кўлларини боғлайди. **Бисмиллаахир-роҳмаанир-роҳиймни** айтиб, **“Фотиҳа”**, сўнг бирор зам сура ўқийди.
(17-18 расмлар)



18-расм. Қовма.



19-расм. Рукуъ.

10. Зам сурадан сўнг
“Аллооҳу акбар” деб
Рукуъ қилади. 3 марта
“Субҳаана роббийал-
азийм” - дейди.
(19-20-расм)



20-расм. Рукуъ.



21-расм. Қавма.

11. Рукуъдан
“Самиъаллоҳу лиман
ҳамидах” деб қаддини
кўтаради. Тик тургач:
“Роббанаа ва лакал-
хамд” дейди.
(21-22 расмлар)



22-расм. Қавма.



23-расм. Сажда.

12. “Аллооҳу акбар” деб
сажда қилади. Саждада
3 марта “Субҳаана
роббийал-аълаа” деб
айтади.
(23-24 расмлар)



24-расм. Сажда.



25-рaсм. Жaлca.

13. “Аллооҳу акбар” деб саждадан бошини кўтариб бир тасбеҳ миқдорича ўтиради.
(25-26 раcмлар)



26-рaсм. Жaлca.



27-рaсм. Cаждa.

14. “Аллооҳу акбар” деб яна саждага қайтади ва 3 марта “Субҳаана роббийал-аълаа” дейди.
(27-28 раcмлар)



28-рaсм. Cаждa.



29-рaсм. Қaъдa.

15. Қаъдада (ўтирганда) аввал “Ташаҳҳуд”, сўнг “Салавот” ва “Дуо” ўқилади.
(29-30 раcмлар)



30-рaсм. Қaъдa.

ТАШАХХУД

اَللّٰهُمَّ صَلِّ عَلَى الصّٰلِحِيْنَ وَبَارِكْ وَسَلِّمْ
وَرَحْمَةً اللّٰهِ وَبَرَكَاتُهُ، اَللّٰهُمَّ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللّٰهِ الصّٰلِحِيْنَ،
اَشْهَدُ اَنْ لَا اِلَهَ اِلَّا اللّٰهُ، وَاَشْهَدُ اَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ.

Аттахиййаату лиллааҳи вас-солаваату ват-тоййибаату, ассалааму ъалайка аййухан-набиййу ва роҳматуллооҳи ва барокаатух. Ассалааму ъалайнаа ва аълаа ъибаадиллааҳис-солиҳиин, ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳу ва ашҳаду анна Мухаммадан ъабдуҳуу ва росуулуҳ.

Маъноси: “Саломлар, дуолар ва пок нарсалар Аллоҳ учундир. Эй, Набий! Сизга салом ва Аллоҳнинг раҳмату баракотлари бўлсин. Бизларга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Мухаммад Унинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман”.

САЛАВОТ

اَللّٰهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى اِبْرَاهِيْمَ
وَعَلَى آلِ اِبْرَاهِيْمَ، اِنَّكَ حَمِيْدٌ مَّجِيْدٌ. اَللّٰهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ
مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى اِبْرَاهِيْمَ وَعَلَى آلِ اِبْرَاهِيْمَ، اِنَّكَ حَمِيْدٌ مَّجِيْدٌ.

Аллоохумма солли ъалаа Муҳаммадин ва ъалаа аали
Муҳаммад, камаа соллайта ъалаа Иброҳиима ва ъалаа
аали Иброҳиим, иннака ҳамиидум-мажиид. Аллоохумма
баарик ъалаа Муҳаммадин ва ъалаа аали Муҳаммад,
камаа баарокта ъалаа Иброҳиима ва ъалаа аали Иброҳиим,
иннака ҳамиидум-мажиид.

Маъноси: “Аллоҳим, Иброҳим ва унинг оиласига салавот
йўллаганинг каби Муҳаммад ва у зотнинг оиласига салавот
йўлла. Сен мақтовга лойиқ ва буюк Зотсан. Аллоҳим, Иброҳим
ва унинг оиласига бараканги нозил қилганинг каби Муҳаммад
ва у зотнинг оиласига ҳам бараканги нозил қил. Сен мақтовга
лойиқ ва улугвор Зотсан”.

Сўнгра куйидаги дуони ўқийди:

اَللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِيْ وَلِوَالِدَيَّ، وَلِجَمِيْعِ الْمُؤْمِنِيْنَ وَالْمُؤْمِنَاتِ، وَالْمُسْلِمِيْنَ
وَالْمُسْلِمَاتِ، رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا
عَذَابَ النَّارِ.

Аллоохуммағфир лии ва ли-ваалидайя ва ли-жа-
мииъил-муъминиина вал-муъминаати вал-муслимиина
вал-муслимаат.

Роббанаа аатинаа фиддунйаа ҳасанаҳ, ва фил-аахироти
ҳасанаҳ, ва қинаа ъазаабан-наар.

Маъноси: “Аллоҳим! Мени, ота-онамни ва барча мўъ-
мин-мўъминаларни, муслим-муслималарни мағфират қил!”.

“Роббимиз! Бизга дунёда ҳам яхшилик ва охиратда ҳам ях-
шилик ато эт ва бизни дўзах азобидан сақла!”.



31-расм. Салом.

16. Мазкур дуоларни ўқиб бўлгач, аввал ўнг томонга: **“Ассалааму ʼалайкум ва роҳматуллооҳ”**, (31-32 расмлар)



32-расм. Салом.



33-расм. Салом.

17. Сўнгра чап томонга: **“Ассалааму ʼалайкум ва роҳматуллооҳ”** деб салом бериб, намоздан чиқилади. Шу тариқа икки ракатли бомдод намозининг суннатини адо қилган бўлади. (33-34 расмлар)



34-расм. Салом.



35-расм. Дуо.

18. Бомдоднинг фарзини ўқиб, намоздан кейин ўқиладиган зикрларни айтиб бўлгач, дуо қилади. (35-36 расмлар)



36-расм. Дуо.

Икки ракатли фарз ва нафл намозлар ҳам худди шу тартибда ўқилади.

Фарз намозини имомга эргашиб ўқийдиган киши ниятни куйидагича қилади:

“Бомдод намозининг икки ракат фарзини қиблам бўлмиш Каъба томонга юзланиб, ҳолис Аллоҳ учун ушбу имомга эргашиб ўқишини ният қилдим” дейди, сўнг **“Аллоҳу акбар”** деб **“Сано”**ни ўқийди. **“Фотиҳа”** ва зам сураларни ўқимасдан имомнинг қироатини эшитиб, жим туради ҳамда рукуъ, саждалар ва саломда имомга эргашади. Тасбеҳ, салавот, дуо ва зикрларни ўзи махфий тарзда ўқийди.

НАМОЗДАГИ ХАТО ҲОЛАТЛАР



